



O'ZBEKISTON
REPUBLICASI
MILLIY KUTUB SALATASI

Қонунчилек ва ҳуқуқ-тартибот учун!

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

ПОСМДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 15 сентябрь, пайшанба • 37 (3618)-сон



БИЛИМДОН ЖАЖЖИ ПОСБОНЛАР

10 сентябрь куни пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири – Fafur Fуломномидаги истироҳат боғида Кизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаси, Халқ таълими Баш бошқармаси, Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ўзаро ҳамкорлигида “Дикқат, болалар!” тадбири негизида “Мактабгача ёшдаги болалар орасида йўл ҳаракати хавф-

сизлиги ва биринчи ёрдам кўрсатиш асослари” мавзусига бағишилаб шаҳар миқёсида якунловчи кўрик-танлов ўтказилди. Унда Мирзо Улубек ва Собир Раҳимов туманларида ўтказилган кўрик-танловда 1, 2, 3-уринларни эгаллаган болалар боғчалари тарбияланувчилари иштирок этишди. Болажонлар йўл ҳаракати хавфсизлиги

қоидалари борасидаги шартларни қойилмақом бажаришиб, тадбир қатнашчиларининг олқишиларига сазовор бўлишди, Собир Раҳимов тумани 120-богча тарбияланувчилари 1-уринни эгальашди. Иккинчи ва учинчи уринлар М. Улубек туманидаги 2-богча ва С. Раҳимов туманидаги 478-богча тарбияланувчиларига насиб этди.

Тадбир сўнгига Қизил Ярим Ой жамияти, Халқ таълими Баш бошқармаси ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ томонидан галибларга қимматбаҳо совғалар ва қолган қатнашчиларга рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

Суратда: тадбирдан лавҳа.
Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Дейдилар: устоз меҳри ота-онаникidan ҳам кучлироқ ва улуғроқдир.



«Мөстда» давлатининг یосалы
UCHINCHINI OLMAM
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJOONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVİYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI


УШБУ СОНДА:

«АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ...»



4

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



5

**ИНСОН ҲУҚУКЛАРИ →
ОЛИЙ КАДРИЯТ 7**

**ТУННИНГ
БЕДОР
ЛАҲЗАЛАРИ**

(репортаж)

8

Э. БЕНЕДИКТ
БАССЕЙН 19

ОТА ЙИГЛАГАН КУН

Хикмат

18

ВАҲШИЙЛАШГАН АКА



20

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ КУЧАЯДИ

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси мажлислар залиди шаҳар ИИББ ва пойтахт вилояти ИИБ ЖК ва ТҚҚБнинг терроризм ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш борасида фаолият олиб бораётган ходимлар иштирокида семинар-йигилиш ўтказилди. Унда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишда кўлгусида амалга ошириладиган вазифалар мұхокама қилинди.

Семинарда республика ИИВ ЖК ва ТҚҚББ бошлигининг ўринbosari, полковник Д. Бобохонов шу йил Андижонда рўй берган воқеалар ва унинг сабаблари ҳақида маъруза қилди. Кейин қисқа ҳужжатли фильм намойиш этилди. ИИВ ЖК ва ТҚҚББ терроризм ва унинг турли кўринишларига қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлигининг ўринbosari, подполковник С. Петриченко ҳамда катта тезкор вакил, майор Х. Асадовлар ноқонуний фаолият юритаётган "Хизбут-таҳрир, "Ваҳҳобий" диний-экстремистик оқимларга мойил бўлган шахсларнинг фаолияти ҳақида маъруза қилишди. Тошкент шаҳар ИИББ ЖК ва ТҚҚББ бошлигининг ўринbosari, майор Д. Назармуҳамедов, Тошкент вилояти ИИБ ЖК ва ТҚҚББ бўлим бошлиғи, полковник Э. Эркаев, республика ИИВ ЖК ва ТҚҚББ бўлим бошлиғи, подполковник Ю. Авазметовлар ҳам кун тартибидаги масала бўйича ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Тошкент шаҳар ИИББ ХООБ бошлиғи, подполковник А. Каюмов, Тошкент вилояти ИИБ ХООБ бошлиғи, подполковник Х. Ахмедов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, маҳаллаларда огоҳликка даъват этиш бўйича ўтказилаётган тадбирлар, маҳаллалар профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва фаоллар ўртасидаги ҳамкорлик каби ибратли ишлар ҳамда йўл қўйилаётган айrim камчиликлар ҳақида гапиришиди.

Абу КЕНЖАЕВ.

Наманган вилоят ички ишлар бошқармасида водий вилоятлари ички ишлар идоралари ходимлари иштирокида "Терроризм ва унинг кўринишларига қарши кураш" мавзууда семинар бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИККА КЕЛИШИЛДИ

Уни Наманган вилояти ИИБ бошлиғи, генерал-майор А. Усмонов очиб, вилоят худудида бу йўналишдаги ишлар самародорлигини ошириш, янги террорчилик хуржаларнинг олдини олиш, бу борада ўзаро ҳамкорликни такомиллаштириш, амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва қўшимча чоратадбирлар белгиланганлигини қайд этиди.

Анжуманда Республика ИИВ ЖК ва ТҚҚББ бошлигининг биринчи ўринbosari, полковник В. Тошматовнинг Фаргона водийсида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш борасида олиб борилаётган тезкор ишлар ҳолати юзасидан маъруzasи тингланди.

Семинарда сўзга чиқсан жойлардаги ИИБ бошлиқларининг ўринbosarlari бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталишди. Шу билан бир қаторда қатнашчилар ўзаро фикр алмасиб, бу соҳадаги турли йўналишларда ҳамкорлик қилишга келишиб олдилар.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

БИЛИМДОН ХОДИМ ДОҒДА ҚОЛМАЙДИ

Сурхондарё вилояти ИИБда 2005-2006 ўкув йилларида ўтказиладиган "Сиёсий-ижтимоий ўкув машғулотлари"ни ташкил этиш бўйича ўкув-услубий семинар бўлиб ўтди. Семинарда шаҳар-туман ИИБлари бошлиқларининг ШТБИ бўйича ўринbosarлари, ШТБИГ катта инспекторлари, ўкув гурӯҳи раҳбарлари ва хужжат юритувчи ходимлари иштирок этдилар.

2004-2005 ўкув йилида эришилган муваффакиятлар, йўл кўйилган камчиликлар, 2005-2006 ўкув йилидаги машғулотларни намунали ўтказиши бўйича таклифлар тўғрисида вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринbosari, майор Ш. Жўракулов маъруза қилди.

Семинар сўнгидаги машғулотларни талаб даражасида ташкил этиш, мавзууларни тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлашда шаҳар ва туманлар ИИБ бошлиқлари ва мутасадди ходимларнинг вазифалари ҳақида вилоят ИИБ бошлигининг ўринbosari, подполковник С. Пўлатов батафсил гапирди.

Семинар-кенгаш ўзаро тажриба алмасиши ва қизғин мунозара руҳида ўтди.

Собир НОРМУРОДОВ,
майор.

ФУҚАРОЛАР КЎМАГИДА

Ер юзининг гоҳ у, гоҳ бу жойида рўй бераётган турли кўпорувчилик харакатлари бизни янада хушёр бўлишга, хотиржамликка берилмасликка чорлаётир. Шу сабабли фаолликни ошириш, огоҳликни кучайтириш, жипсликни мустаҳкамлаш, ҳар бир маҳаллада фуқаролар хавфисизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар ходимлари "Тозалаш" тадбирини ўтказмоқдалар. Бунда асосий эътибор ёшларни диний экстремистик оқимлар таъсиридан саклаш, хуқукбузарлар содир этишга мойил фуқароларни аниқлаш ҳамда жиноятларни иссиғида фош этишга қаратилмоқда.

Урганч шаҳрида қайд этилган бир жиноят барчанинг қаҳр-ғазабини кўзғатди. Илгари судланган П. Бахтиёр балоғат ёшига етмаган қизалоқнинг номусига тегиб, воқеа жойидан гойиб бўлади. Ушбу жиноятни очиши, инсоний қиёфасини йўқотган жиноятчани ушлаш мақсадида қидирив эълон қилинди.

Шаҳарнинг "Темирйўлчи" маҳалласида яшовчи ака-ука Равшан ва Мурод Собировлар Хоразм вилояти телевиденесида берилган ушбу эълонни биргаликда томоша қилгач,

ички ишлар ходимлари ёрдам беришга аҳд қилишди. Орадан иккى кун ўтди. Профилактика инспектори, лейтенант Равшан Нунёзов билан ҳамкорликда тунги тадбирда иштирок этаётган йигитлар қидиривдаги жиноятчани пайқаб қолишиди. Бахтиёр қочишига қанчалик уринмасин фойдаси бўлмади. Абжир йигитларнинг маҳкам қўллари уни кўйиб юбормади.

Ички ишлар бошқармаси томонидан жиноятни фош этишда яқиндан ёрдам берган фуқароларга миннатдорчилик эълон қилинди.

Бекберган МАТКАРИМОВ,
подполковник.

ФАХРЛИ ЎРИН МУБОРАК!

Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчилари ўртасида "Миллий истиқолол фояси: асосий тушунча ва тамоиллар" бўйича фанлар олимпиадасининг I босқичи бўлиб ўтган эди. Унда ўкув курслари ўртасида юқори натижаларга эришган тингловчилар қатнашдилар. Дастреблаки босқич синов натижаларига кўра 3-курс тингловчиси Рустам Неков голиб деб топилди ва республика олимпиадасининг навбатдаги босқичига йўлланма олди.

2005 йилнинг 19-20 май кунлари Қарши Давлат университетида олимпиадасининг II босқичи бўлиб ўтди. Унга республикамиздаги 60 дан зиёд олий таълим муассасаларининг голиб талабалари таклиф этилди.

Фанлар олимпиадасида иштирок этган тингловчи ва талабалар ўзлашинган маънавий баркамолликлари, билимга чанқоқликлари, миллий истиқолол руҳида таълим ва тарбия олаётганликларини яна бир карра намоён этдилар. Қизғин баҳсолардан сўнг тест ва ёзма иш якунларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчиси Рустам Неков голиблар қаторидан ўрин олди ва Фанлар олимпиадаси ҳайъати томонидан III даражали диплом ҳамда Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди.

Уни ушбу муваффакият билан табриклийиз ва келгуси изланишларида ҳамда шарафли касбни пухта эгаллашида омад тилаймиз.

В. ҲАҚЛИЕВ,
майор, тарих фанлари номзоди.

Оғуфурушликка қарши кураш ички ишлар ходимларининг ҳам энг долзарб вазифаларидан бири хисобланади. Бу борадаги ишлар айниқса, чегара худудларда кенг кўламда олиб борилмоқда. Гиёҳфурушлик билан шуғулланувчилар оғуни республика мазмуди орқали бошқа мамлакатларга ўтказишга интилишашяпти. Ўз ғараз ниятиларига этиш учун бу ишга ҳатто болалар ва аёлларни ҳам жалб этишга, уларнинг қўли билан жинойи ҳаракатларни амалга оширишашяпти. Лекин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари оғуфурушлар йўлига ишончли тўсик қўйишмоқда.

Гиёҳвандлик моддаларининг ноқоний айланиши билан террорчилик ҳаракатлари бир-бирига боғланиб кетган. Захри қотил этиши-

рувчилар катта миқдордаги фойдадан ажralиб қолмаслик учун ҳар қандай қабиҳликка тайёрдirlар. Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилаётган кенг қамровли тадбирларда таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни экиб, парваришаётган шахслар аниқланмоқда. Жумладан, Самарқанд вилояти Ургут тумани Мирзоқишлоқ қишлоғида яшовчи фуқаро К. М. томорқасидаги маккажӯҳори орасида оғу етиштираётгани аниқланди. Шу тумандаги Жозмон қишлоғида Т. С. томорқасида хеч тап тортмай 75 туп наша парваришаётгани маълум бўлди.

Тошкент вилояти Чиноз тумани «Сутбулоқ» ширкат хўжалигига яшовчи фуқаро Р. С. бу борада анча "миришкор" бўлиб, у

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
майор.

Республикамизда "Диккат, болалар!" тадбири якунланды

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАЙЛИК

Катта кўчада тўп ўйнаётган, пана жойда гулхан ёқаётган, давлат мулкига зарар етказётган, кўча-кўйда катталарнинг назоратисиз юрган болаларнинг кутилмаган муаммолар келтириб чиқариши аниқ. Биз, катталарнинг болаларга нисбатан эътиборсизлигимиз жуда қимматга тушаётганлиги жиддий ўйлашга мажбур қиласди.

Жорий йилнинг 8 августан куни соат 23.50 (!) ларда "Тошкент-Чимён" автомобиль йўлида Бўстонлиқ туманида яшовчи ў. Инкоров ўзининг "ВАЗ-21063" русумли автомобилини бошқариб бораётуб, тўсатдан йўлнинг ҳаракат қисмига югуриб чиқиб қолган бўшли С. Ермекбоевани уриб юборган. Натижада жароҳат олган норасида касалхонада вафот этди.

Болаларнинг доимиш яшаш жойларида уларнинг юриш-туришлари устидан етарлича назорат олиб борилмаяпти. Натижада болаларни автоҳалокатлардан асраб қолиш самараси пасайиб, оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари содир этилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 25 май куни Термиз шаҳрилик 9-синф ўқувчиси И. Бекзод отасига тегишили "Тико" русумли автомобилни


ўзбошимчалик бўлан ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб кетаётуб, йўл четидаги бетон симёғочга урилган. Натижада Бекзод воқеа жойда вафот этган. Йўловчилар – мактаб ўқувчилари Б. Муродов ва З. Мирзаев касалхонага ётқизилган. Касалхонада Б. Муродовнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қилинган барча саъй-ҳаракатлар зое кетди.

Жорий йилнинг 8 августан кеч соат 21.30 ларда Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов туманидаги Саркисов кўчасида Юнусобод туманидаги 243-мактабнинг 9-синф ўқувчиси М. Бобир ҳайдовчилик гувоҳномасисиз отасининг "Нексия" сини бошқараётган вақтида дарахтга урилган. Оқибатда унинг ўзи ва йўловчилари – 8-синф ўқувчиси Ю. Азиз ва 7-синф ўқувчиси М. Алишерлар тур-

ли даражадаги жароҳатлар олиб касалхонага ётқизилди.

Мазкур автоҳалокатлар таҳлил қилинганда, ҳар иккала ҳолатнинг келиб чиқишига асосий сабаб тегишили ҳужжати бўлмаган болалар ўзбошимчалик билан транспорт воситасини бошқаришган

тироқидаги йўл-транспорт ҳодисалари камайди. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Тадбир бошланган кундан давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳодисалари мактабларда ўтказилган "Биринчи қўнгироқ" тантаналарида иштирок этишиди. Мактабларда,



ўзбошимчалик бўлан ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб кетаётуб, йўл четидаги бетон симёғочга урилган. Натижада Бекзод воқеа жойда вафот этган. Йўловчилар – мактаб ўқувчилари Б. Муродов ва З. Мирзаев касалхонага ётқизилган. Касалхонада Б. Муродовнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун қилинган барча саъй-ҳаракатлар зое кетди.

Жорий йилнинг 8 августан кеч соат 21.30 ларда Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов туманидаги Саркисов кўчасида Юнусобод туманидаги 243-мактабнинг 9-синф ўқувчиси М. Бобир ҳайдовчилик гувоҳномасисиз отасининг "Нексия" сини бошқараётган вақтида дарахтга урилган. Оқибатда унинг ўзи ва йўловчилари – 8-синф ўқувчиси Ю. Азиз ва 7-синф ўқувчиси М. Алишерлар тур-

блуса, иккинчи томондан ушбу нохуш ҳолатларнинг асосий сабабчилари отаоналар эканлигидир.

Таҳлил ва жойларда ўтказилган текширувлар шуну кўрсатмоқдаки, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлишига асосий сабаб, болаларнинг "Йўл ҳаракати қоидалари"ни яхши билмасликлари ва ҳаракатланиш хавфсизлиги кўникмаларининг йўқлигидир.

Мамлакатимизда ўтказилган "Диккат, болалар!" тадбирининг якунлари билан танишар эканмиз, юкоридаги фикрлар яна бир карра ёдга тушади. Аньанавий тусга кирган ушбу тадбир ҳар йили янги ўкув йили арафасида ўтказиб келинмоқда ва у оз бўлса-да йўл-транспорт ҳодисаларининг камайшига хизмат қилмоқда. Бу йилги тадбир давомида ҳам болалар иш-

маҳаллаларда ўқувчилар билан ҳаракатланиш хавфсизлиги мавзусида 10 мингдан ортиқ сухбатлар ўюшибарди. Йўл-патруль хизмати инспекторларининг хизмат жойлари катта кўчаларга яқин жойлашган мактаблар олдида ташкил этилди. Мактаблар олдига ҳайдовчиларни хушёрликка чорловчи мингдан ортиқ ёш назоратчilar силуэтлари, 1735 та йўл белгилари ўрнатилди. Эскирган ва яроқсиз ҳолга келиб қолган 2498 та йўл белгилари алмаштирилди. Мактабларга "Йўл ҳаракати қоидалари" ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларни тарғиб қилувчи плақатлар тарқатилди.

Булар хотиржамлик учун асос бўла олмайди. Демак, бу борадаги ишларни янада кучайтириш, муаммолар ечиними биргаликда излашимиз керак.

Мансуржон РИХСИЕВ.

«Ҳосил – 2005»

Бу йил Навоий вилоятида 39400 гектар ерга яхши ният билан чигит қадалган эди. Қадоқ кўлли деҳқонларнинг шихоатли меҳнатлари ўз самарасини берди.

Пахтадан мўл ҳосил етиширилди. Пахтакорларимиз учун долзарб дамлар кечайётган шу кунларда барча куч ва воситалар пешона тери ва катта меҳнат эвазига етиширилган ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йигиб-териб олишга қаратилган.

Мавсум муваффақияти ҳаммамизга боғлик, – дейди вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, полковник А. Шакаров. – Йигим-терим даврида жамоат тартибини сақлаш, ёғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Дала заҳматкашларига яқиндан туриб ёрдам бериш асосий муддаога айланган. Шу мақсадда

етарлича транспорт воситалари ажратилди.

Дарҳакиқат, деҳқонларимиз учун ғалвирни сувдан кўтарадиган масъулияти дамлар кечмоқда. Етиширилган ҳосилни қисқа фурсатда но будгарчиликсиз, сифатли йиғишириб олиш, бу даврда турли нохуш ҳолатлар содир этилишига йўл қўймаслик катта куч ва шиҷоатни, қўёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишини тақозо этади. Буни қалдан ҳис этган ишлар ҳодимлари ўзларига билдирилган ишонч ва масъулияти, шу куннинг талашибини теран анграб, уюшқоқлик билан фаолият юритмоқдалар.

Этироф этиш лозимки, бу йилгидан мавсумга пухта тайёр гарлик кўрилди. Мавжуд пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта қабул қилиш пунктлари

КЕНГ ТАРГИБ ЭТИЛМОҚДА

НАВОИЙ. Вилоят ҳудудидаги барча мактаблар олдида ЙХХ ҳодимлари туну кун хизмат ўташи ташкил этилди. Болаларнинг мактабларга ва мактабгача тарбия муассасаларига хавфсиз келиб-кешишлари учун йўлларнинг серқатнов қисмларида, таълим-тарбия масканларнинг зарур жойларида тегишили йўл белгилари, светофор, йўл чизикларининг мавжудлиги юзасидан текширув ўтказилди. Унинг якунлари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Тегишили ташкилотларга зарур ёзма кўрсатмалар берилди.

Ўтказилаётган тадбирнинг моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини тарғиб этувчи эслатмалар, мурожаатномалар ва турли кўргазмали воситалар тайёрланниб, автокорхоналар, меҳнат жамоалари, таълим-тарбия муассасаларига тарқатилди. Ҳозирги кунда болалар иштирокида содир этиладиган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида оммавий аҳборот воситалари орқали кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Валижон АШУРОВ,
капитан.

БОЛАЛИКДАН БИЛСАНГ ҚОИДА...

Тадбир давомида Тошкент шаҳрида ҳам бир қатор эътиборга лойик ишлар олиб борилди: Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХ ҳодимлари болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳайдовчи ва пиёдалар ўртасидаги муносабатни тўғри шакллантириш, кўча маданиятини мактабгача таълим муассасалари, мактаб ўқувчилари ва фуқаролар ўртасида кенг тарғибот қилиш ишларини олиб бордилар. Тадбир кунлари болаларга йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш бўйича мактабларда 17 соатлик ўқув дастури ишлаб чиқилиб, унинг самарадорлиги оширилди. Мактаб-уй йўналишлари белгилаб олиниб, ёш автоназоратчилар гурухи ташкил этилди. Бу хайрли ишларга маҳалла фаоллари ҳам жалб этилиб, мактаблар олдида навбатчиликлар ўюштирилгани айни муддао бўлди.

Тадбирнинг якунни таҳлилида шаҳарда болалар иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари иккита, жароҳатлар эса учтага камайгани қайд этилди. Шаҳар бўйлаб, 35 та йўл белгилари алмаштирилиб, 27та йўлчироқ таъмирланди. Бундан ташқари «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаси ҳамкорлигига тадбирга оид 4000 та йўл ҳаракати қоидалари, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўргазмали қуроллар, мурожаатномалар мактаб ва боғчаларга тарқатилди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.



ҲАР ҚИЛМИШНИНГ ЖАВОБИ БОР

Намангандида пахта йигим-терим мавсумида жамоат тартибини сақлаш, ҳосилни ёғингандан асрар, ташиш жараёнида техникалар созлигини таъминлаш бўйича тегишили хизматларга аниқ вазифалар юклатилди.

Пахта ҳосилини талон-торож қилинишига ҳамда четга ноконий йўллар билан чиқишига йўл қўймаслик мақсадида кўшни республикалар билан чегарадош туманларда назорат кузатув масканлари ташкил этилди.

Ағсуски, далаларда айрим фуқаролар томонидан миллий бойлигимиз бўлган пахтанин чорва ҳайвонларига едириш, пайхон қилиш ҳолатлари учраб туриши ачинарли. Жумладан, Поп туманидаги Газнок қишлоғига яшовчи Й. Бунёд иккиси бўш кўйини "Ҳайитбой ота" фермер хўжалигининг пахта майдонига қаровсиз кўйиб юборган. Етказилган зарарни қоплаш учун унинг бир бўш кўйи суюлиб, гўшти кам таъминланган оилалар ва болалар боғасига тарқатилди.

Фурқат МАМАЖНОВ,
майор.

МАВСУМ ТАЙЁРГАРЛИГИ

Хоразм вилоятида ҳам пахта йигим-терими қизғин паллагага кирди. Бу йил воҳа миришкорлари 275 минг тонна ҳосилни давлат хирмонларига топширишга аҳд қилишган. Ҳусусан, техникаларнинг мавсумга сифатли тайёрланишига олдиҳа эътибор берилди. Айниска, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида одамларнинг жароҳат олмасликлари учун жойларда ҳайдовчилар, ҳашарчилар билан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хуллас, мавсум ҳаммага бирдай масъулият юклайди. Уни беталофат ўтказиш шу куннинг асосий вазифасидир.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

ДОЛЗАРБ ДАМЛАР МАСЪУЛИЯТИ

нинг ёғингига қарши техник ҳолати бошқарма ЁХБ ҳодимлари томонидан масъул мутахассислар ҳамкорлигига тегишириб чиқилиб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилган. Шунингдек, йўл ҳаракати ходимлари йўллар ва мавсумга жалб этилиши кўзда тутилган қишлоқ хўжалик техникаларини кўридан ўтказдилар. Бу каби тадбирлар албатта мавсумнинг муваффақиятли ўтишини таъминлайди.

Далаларда иш қизғин. Йигим-терим суръати тобора ошмоқда. Кундан-кун юқасалиб, куёш билан бўйлашаётган олтин хирмонини бунёд этишда халқимизнинг ишончли посонлари – ички ишлар ҳодимларининг алоҳида ўрни бор.

Нигора РАҲИМОВА,
капитан.

Маърифат дарси

Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг ана шу пурмашно сўзлари адабиётнинг нақадар қудратли эканлигини ифодалайди. Унинг жамиятдаги ўрни, бутун ер юзи учун тинчлик, осойишталик сув билан ҳаводек зарур бўлиб турган ҳозирги даврдаги вазифаси қандай? Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, филология фанлари номзоди, профессор Муҳаммад Али бу ҳақдаги фикрларини шундай баён этди:


— Гапни адабиёт сўзининг лугавий маъносини эслаб ўтишдан бошламоқчиман. Ана шунда мавзуни тушунтириш, фикримиз баёни осонроқ кечади. Адабиёт араб тилидаги “адаб” сўзидан олинган бўлиб, “одоб” маъносини англатади. Бундан кўринадики, адабиёт инсонларга одоб, ахлоқ ўргатади. Одоби, ахлоқ яхши одамни маданиятли киши деймиз. Шу жиҳатдан олганда адабиёт жамиятда инсонларни тарбиялаш, маданиятини ошириш учун хизмат қиласи.

Жамият тараққиёти, инсонларнинг фаровон турмуш кечиришига хизмат қиласи көнглини фикрлар кўп. Ана шулар қаторида адабиётнинг алоҳида ўрни бор. Ҳар бир фаннинг ўз йўналиши мавжуд. Математика, физика, кимё, тиббиёт, биология каби аниқ фанлар билан фақат мутахассислар шуғулланишида. Бири иккинчиси билмаслиги мумкин. Бироқ адабиётни ҳамма касбдагилар тушунади, қизикади, ўқиёди, ундан бирор нарса олишга ҳаракат қиласи. Қалбидан жўш урган туйғуларни қофозга туширади. Айтайлик, кимё фанининг бирорта қисми, бўлагини билиш учун албатта, ўқиб ўрганиш, муаллимдан дарс олиш шарт. Адабиёт оламига кириш учун эса олий ўқув юртида сабоқ олиш шарт эмас. Фикримиз далили учун ўзининг руబийлари билан жаҳон адабиётидан ўрин олган Умар Хайём математик бўлган, зардаст ёзувчи Ойбек домла иқтисодчи мутахассислигига ўқиганлар, қирғиз ёзувчи Чингиз Айтматов эса зоотехник дипломини олгандан кейин адабиётда ўз ўрнини топган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Ички ишлар ходимлари орасида ҳам қалам тегратиб, шеър, ҳикоя ёзандиганлар бор.

Ҳар бир фаннинг чегараси бор. Тиббиёт ходимларига беморлар мурожаат этади, астрономия билан фалакшунослар шуғулланиши бошқалар учун унчалик зарурати йўқ, бошқа фанлар ҳам шундай маълум доирада. Ҳатто фалсафанинг ҳам чегараси бор. Аммо адабиёт ҳаммага хизмат қиласи. Ер юзида адабиёт намуналари ки-

ликларини олинг. Мен ўзим яқинда бундан 13 аср муқаддам ёзилган “Култегин”, “Билка Ҳоқон”, “Тунюкук” битикларини яна ўқиб чиқдим. Барчасида инсонларни одбли, ахлоқли бўлиш, тинч, тутув, ахил, бирдам яшаш, биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи сўзлар бор.

Ёзма адабиётимизнинг илк намуналаридан Юсуф Ҳос Ҳожибининг “Кутадғу билиг”ини олайлик. Ундағи насиҳатларни ўқиган, ибрат олган ота-боболаримиз кўни-кўшни, маҳалла, элулус билан баҳамжиҳат яшашган. Соҳибқирон Амир Темур Мустақиллик йилларигача босқинчи сифатида таърифланган. Аслида эса улуғ бобомиз ҳар қандай мушкул ишни кенгашиб ҳал этган ва энг сўнгги чораси қилич бўлган. Тарихий манбаларда унинг Йилдирим Боязидга нисбатан муносабати аввало тинч-тутув яшаш, бир-бирига кўмакдош



ни чекканлар Яратгандан тинчлик-омонлик сўрашдан чарчамайди. Бадиий асарларда уруш воқеалари тасвирланар экан аввало унинг келиб чиқиш сабабчилари қораланади.

Ўзбек романчилигининг асоси ҳисобланган “Ўткан кунлар”да хонлар урушидан

ва адиларнинг вазифаси катта аҳмиятга эга.

Қалам билан қуролнинг жамиятдаги ўрни ҳақида тарихда кўплаб мисоллар келтирилган. Қурол қирғинбарот урушларнинг тимсоли қалам эса тинчлик, эзгуликка етакловчи манба. Совук қуроллардан маълум бир гурӯҳлар фойда кўриб, бойиса минглаб одамлар жағо чекади. Адабиётдан эса ҳамма маънавий озиқа олади. У давлат раҳбаридан тортиб оддий фуқарогача, фалакдаги офтоб бутун оламга нур соғандай, ҳаммага баравар хизмат қиласи, ҳаммага одоб ва ахлоқдан сабоқ беради.

Айни кунларда ер юзида ги зэзу ният билан яшаётган кишилар учун тинчлик, осойишталик сув билан ҳаводек зарур бўлиб қолмоқда. Тинчликнинг асоси тутувлик, дўстлик, бирдамлик, ҳамкорликдир. Осойишта яшаш учун кўни-кўшни, маҳалладошлар, ҳамқишлоқлар ахил, иноқ бўлишлари, яхши, ёмон кунларда бир-бирларини суюшлари лозим, албатта. Ҳалқимизда оила тинч бўлса, маҳалла тинч, маҳалланинг тинчлиги юрт тинчлиги деган нап бор. Буни ички ишлар ходимлари жуда яхши тушунишади. Бир оиласининг нотинчлигидан кўни-кўшни, маҳалла, қариндош-уруглар ҳам бозовта бўлиб, оқибати нималарга олиб келиши ҳам маълум.

Адабиётимиздан ўрин оладиган асарларда қаҳрамонлар байроқ кўтариб, тинчлик учун курашга чорлаши шарт эмас. Оқибатли қўшнилар ҳақида ўзилган кичик ҳикоя ёки баҳамжihatlikda яшашга ундовчи шеърнинг кучи йирик асардан кам бўлмайди. Кичик шеърми, йирик роман ёки достонми унда инсонларни тутувлик, иноқлик, дўстлик, ҳисобланади. Ҳар қандай ёвузлик, душманлик, қабоҷат, разолат охир-оқибат чекинади, йўқолади, эзгулик ғолиб чиқади.

Тарихда кўп урушлар бўлган. Уни кўрган, жабри-

«АДАБИЁТ АТОМДАН КУЧЛИ...»

шилари қаторидан ўрин олади. Адабиётда тасвирга олинган қаҳрамонлар ҳамма касбдагилардан бўлиши мумкин. У жамиятнинг бир вакили сифатида тасвирланади. Унинг асарда тасвирланган воқеа, ҳодисалардаги ўрни, муносабати, қатнашуви, гап сўзлари билан танишган китобхон қаҳрамонга нисбатан фикр юритади. Яхши фазилатларидан ўрнак олишга, салбий хислатлардан халос бўлишга ҳаракат қиласи.

Биз адабиётни кишиларга одоб, ахлоқ ўргатадиган манба деб ҳисоблаймиз. Яъни, таъкидлаб ўтганимиздек, маданиятни оширишга хизмат қиласи. Маданиятли киши аввало бошқаларга хушмумала, меҳрибон, дўст, бирорада бўлиши ўзининг бурчи деб ҳисоблайди. Кишилар бир-бирларига меҳрибон, дўст бўлиб, тинчтотув яшашлари мақсадга мувофиқдир. Тинч ҳаёт бор жойда эса тараққиёт бўлиши ҳаммага маълум. Тинчтотув яшаш, тинчлик, осойишталик қон-қонимизга сингиб кетган. Икки таниш учрашганда албатта, тинчмисан, деб сўрайди. Телефондаги сўзлашув ҳам тинчлик, омонлик тилашдан бошланади. Бунда адабиётнинг ўрни катта, деб ўйлайман. Чунки илк ёзувлар пайдобўлиб, тошга ўйилган битикларда иноқлик ҳақидаги сўзларни ўқиш мумкин. Масалан, Ўрхун-Энасий ёдгор-


бўлиш эканлиги баён қилинган. Боязидга сулҳ тузиш ҳақида тўрт марта элчи юборади. Бироқ кўнмайди. Охири Алишер Темур унга қарши курашга отланишга мажбур бўлади. Шунингдек, Тўхтамишхон билан ҳам келишмовчиликни тинч ҳал этиш учун уни тўрт марта кечиради, элчи юборади. Ижобий жавоб олмагандан кейин қилич кўтаришга мажбур бўлади.

Фазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг қаламига мансуб рубоиддан тортиб достонларигача чин инсоний фазилатлар улуғланади. Шулардан энг асосийси кишиларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббати, оқибати, дўст, иноқликлари туфайли юртнинг равнақ топиб эл фаровон яшаши турли сиймолар мисолида кўрсатиб берилади. Ҳазрат Навоийнинг ўзи бош вазир, ҳоким бўлиб давлат ишларини бошқарганда ҳар қандай муаммоларни, шаҳзодалар, ҳукмрон синфлар ўртасидаги можароларни тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қиласи.

Ҳалқ оғзаки ижодига бир назар ташлайлик. Қайси бир достон, ривоят, эртакларни олманг эзгулик, тинчлик, тутувлик улуғланади. Ҳар қандай ёвузлик, душманлик, қабоҷат, разолат охир-оқибат чекинади, йўқолади, эзгулик ғолиб чиқади. Тарихда кўп урушлар бўлган. Уни кўрган, жабри-

Садриддин ШАМСИДДИНОВ
ёзиг олди.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



«ТАЛИМ» КЕТИДАН «ХАНУН»

Якшанба куни кечкурун Хитойнинг шарқий қирғоқла-рига "Ханун" тӯфона ёғилди. Одамлар яқинда юз берган "Талим" тӯфонидан кейин ҳали ўзларига келишмаган эди. Табиий оғат арафаси-да Чжэцзян провинцияси ахли бундан огохлантирилди. Камида 810 минг киши ўз уйларини тарқ этишга мажбур бўлишди. Аҳолини кўчиришга ёрдам бериш

учун армия бўлинмалари етиб келди. Шанхай аэропортида ўнлаб рёйслар но-маълум муддатга кечикти-рилди. Темир йўлларда ва кўплаб автомагистралларда қатнов тўхтатилди. Душанба куни болалар боғчалари очилмади, мактабларда дарслар ўтилмади.

Тӯфон марказида шамол-нинг тезлиги соатига 180 ки-лометрга етди. У мамлакат-нинг шимоли-шарқига томон соатига 25-30 километр тезлика ҳаракатланди. Хитой-нинг "Синъхуа" ахбо-рот агентлиги хабар қилишича, табиий оғат натижасида 4 шаҳар, 29 уезд, 357 кўргон талофат кўрди. Кўрилган чораларга қарамай 14 киши кур-бон бўлган, 8 нафар фуқаро бедарак йўқол-ган. Экспертларнинг дастлабки ҳисоб-ки-тобларига қараганда,



кўрилган зарар 849 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Жами 5 миллион киши тӯфондан жабр чекди. Оғат 7400 дан ошик уйни вайрон қилди. Шаҳар сув таъминоти ва ирригация тизимиға ҳам за-рар етди.

Айниқса, қирғоқ бўйида жойлашган Тайчжоу шахри катта талофат кўрди. Бу ерда 5 миллиондан ошик аҳоли истиқомат қиласи, бир неча йирик денгиз порти жойлашган. Кўплаб дараҳтлар илдиз-пилдизи билан қўпо-рилган, реклама шитлари, дўконларнинг пешлавҳалари кулаб тушган. Шаҳар кўчаларини сув босган. Унинг сат-хи бир метрга етади. Ҳозир-гача шамол тезлиги шу дараҷадаки, кишини йиқити-ши мумкин. Ҳали ҳам тупроқ емирилиши ва сув то-шиши хавфи сақланиб қол-моқда.

Эсингизда бўлса, "Талим" тӯфони 56 кишининг умрига зомин бўлган эди.

ЛОС-АНЖЕЛЕСДА ФАВҚУЛОДДА ҲОДИСА

Душанба куни маҳаллий вақт билан соат 13.00 ларда Лос-Анжелес шаҳрининг катта қисми электр таъминоти-сиз қолди. Натижада светофорлар ишлашдан тўхтаб, кўча-ларда транспорт қатнови қийинлашди. Ўнлаб одамлар лифтларда қамалиб қолиши. Шаҳардаги халқаро аэропортда тезда ёрдамчи генераторлар ишга туширилгани учун бирорта ҳам рейс бекор қилинмади.

Орадан бир неча соат ўтиб, дастлабки тергов натижалари маълум бўлди. Шаҳар электр ва сув таъминоти департаменти-нинг маълумотларига кўра, кутилмаганда электр таъминоти узи-лишига коммунал хизмат ходимининг хатоси сабаб бўлган. У ўтказгични нотўғри улаган. Оқибатда шаҳардаги бир неча электр тақсимловчи кичик станция ишдан чиқсан.

Полиция бошқа бир тахминни ҳам кўриб чиқаяпти. 2005 йил 11 сентябрь куни АҚШнинг ABC телеканали бир лавҳани на-мойиш этган эди. Унда ниқобли киши (такминларга кўра, "Ал-Қоида" ташкилоти аъзоси Адам Гадан) Лос-Анжелес ва Мель-бурнда террорчилик ҳаракатлари содир этилиши ҳакида дағ-дага қилган эди. Ҳозир шаҳарнинг аксар туманларида электр таъминоти тикланди.

ОТА-БОЛА БОСҚИНЧИЛАР

Колумбияда самолёт олиб қочиш оиласи пудрат туси-ни олди, шекилли. Душанба куни 42 ёшли Луис Рамирес ва унинг ўғли 22 ёшли Линсен Рамирес "Aires" авиаком-паниясига қарашли "НК 4030" русумли самолётни олиб қочиши. Унинг бортида 25 йўловчи, жумладан мамлакат конгресси депутати Антонио Серрано бор эди.

Аммо "Бузбонинг юргани сомонхонагача" деганларидек, тер-рорчилар узоққа кетишолмади. Самолёт бир соатдан кейин Богоғадаги ҳарбий аэроромга кўнди.

Сўнг музокаралар бошланди. Жиноятчилар дарҳол беш аёл ва иккى болани озод этиб, инсон ҳукукларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар, Колумбия Бош прокуратуруси вакиллари ва ру-ҳоний билан учрашишни талаб қилиши. Орадан бир оз вақт ўтиб Рамиреслар яна уч нафар гаровга олинган шахсни, кейин-роқ барча йўловчиларни озод қилиши. Бир соатдан сўнг эса экипаж аъзоларини ҳам кўйиб юбориб, ўзлари ҳокимият вакил-ларига таслим бўлиши.

Аввалига Рамиресларнинг талаблари, мақсадлари ҳакида ха-бар қилинмади. Фақат полиция улар ҳеч бир экстремистик гу-рухга алоқадор эмаслигини аниклади, холос. Нихоят зўравон-лар қўлга олингач, ҳокимият вакиллари Луис Рамиресга ноги-ронлик нафақаси тўланмаётганилиги учун ота-бала улар шундай йўл тутишганини маълум қилиши. Ҳодиса қатнашчиларидан ҳеч ким жабр чекмади.

БОГДОДДА УСТМА-УСТ ТЕРРОРЧИЛИК

Сўнгги кунларда Ирок пойтахтида бир неча террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Чоршанбага ўтар кечаси шаҳар шимолида жангари-лар тинч аҳоли вакил-ларидан 17 нафарини уйларидан олиб чи-киб, отиб ташлашган. Боддод гарбидаги Ал-Мансур мавзесида миналаштирилган ав-томобиль портлаши натижасида 2 киши ҳалок бўлиб, 15 одам яраланди. Норасмий маълумотларга кара-гanda, жабрланганлар орасида Ирок Нефть саноати вазирлиги-нинг юқори мартабали амалдори ҳам бор.


Чоршанба куни эр-талаб эса пойтахт-нинг шиалар яшайди-ган туманида яна бир ҳурезлик содир этилди. Камикадзе портловчи курилма ўрнатилган машина-сини ишга жойлашиш илинжида тўпланиб турган оломон устига ҳайдади. Сўнгги маъ-лумотларга кўра, 100 дан ошик киши кур-бон бўлган, 200 на-фарга якини тан жа-роҳати олган.

«МЕРСЕДЕС» БЎЛАКЛАНИБ КЕТДИ

Москва марказида сесанба куни фожиали йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. "Мерседес" русумли автомобиль катта тезликда кўча ёқасидаги симёочга урилиб, бўлакларга бўлиниб кетди. Оқибатда беш киши воқеа жойида ҳалок бўлди. Бир киши жароҳат-ланиб, касалхонага ётқизилди.


Бу йил Москвада автоҳалокатлар сони кескин ошиди – пиёдалар жабр чеккан йўл-транспорт ҳодисала-ри сони 3,5 мингни ташкил этди. Яъни, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35,8 фоизга ортди. Натижада 300 дан ортиқ одам ҳаёт-дан кўз юмди, 3400 га яқин киши турли да-ражада тан жароҳати олди.

Сўнгги йирик ЙТХ 27 июль куни Автозавод кўчасида содир бўлиб, ўшанда уч пиёда жабрланган эди.



НИЯТИГА ЕТОЛМАДИ


Машхур меъморчилик иншоотларига тажовуз қилиш ҳара-кати Мюнхенгача ҳам етиб келди. Бу ерда портлаш хавфи туғилгани учун шаҳар телеминорасининг барча ходимлари хавфсиз жойга кўчирилди. Полиция бинони портлатиб юбор-моқчи бўлган киши билан музокоралар олиб бораётпи. Ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларининг маълумотларига кўра, қўпорувчи телемино-ранинг ичига жойла-шиб олган. Ҳозирча унинг мақсадлари ҳакида маълум қилин-маяпти. Баъзи хабар-ларга кўра эса жиноят-чининг полиция маҳ-сус бўлинмаси ходим-лари қўлга олишган. Унинг кимлигини ҳозирча ошкор этиш-маяпти,



ХАРИТА ЎҒРИЛАРИ

Қадимги хариталар азалдан одамларни қизиқтириб кел-ган. Кимгadir бундан бир неча ўн йил ёки аср аввал ярат-тилган жой режасини томоша қилиш қизик. Кимдир эса унинг ёрдамида хазина топмоқчи бўлади. Айниқса, коллек-циячилар бундай хариталарни яхшигина пул тўлаб сотиб олишга ҳамиша тайёр. Сўнгги пайтларда дунёдаги музей-лардан хариталар ўғирлаш ҳолатлари кўпайиб кетди.

Яқинда Британия кутубхонасидан ана шундай ҳужжатнинг



уч нусхаси ўма-рилди. Улар XVI-XVII асрларга та-аллуқли бўлиб, китоблар ораси-дан қирқиб олинган эди. Федерал тергов бюросининг тах-минига кўра, ушбу ҳодиса билан Нью-Йорк, Бостон, Йельск университетла-ри жамоат кутубхоналарида юз берган ўғри-ликлар ўртасида боғликлар бор. Сабаби, жиноят-чилар бир хил усулдан фойдаланишган ва ҳар гал Янги Дунё тасвириларини ўғирлашган.

Ҳозирда америкалик ва ёнглийлик ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари бирга мазкур жиноятларни текширишапти. Ўғирланган ҳужжатлар бундан ҳам кўп бўли-ши мумкин. Буни аниқлаш учун кутубхоналардаги харита-ли қадимий китоблар кўздан кечириляпти.

«Жасорат» медали сохиблари

ЎЗИНИ ЙЎҚОТИБ ҚҮЙМАДИ

Андижон шаҳар ИИБ 2-бўлинмаси тергов гурухи катта терговчи-си, майор Эгамберди Топиболдиев 2005 йил 13 май куни эрта тонгдан хизматга шоши. Йўловчи машинада Фитрат кўчасигача етиб олди. Ундан нарига ўтишга хайдовчи кўнмади. Топиболдиев кўчанинг нариги бетига ўтиб, хизмат идорасига Эски шаҳар орқали боришига қарор қилди. Вилоят ҳокимияти биноси яқинида уни куролланган кишилар ўраб олишди. Эгамбердига курол ўқталиб “Тўхта!” деб буюриши.

— У милиция ходи-ми! Мен уни биламан! — деди кимдир. — Уни идорага олиб бориши керак! Каршилик кўрсатса, отиб ташланглар!

Топиболдиевни автомат ўқталиб вилоят ҳокимиятининг террорчилар эгаллаб олган маъмурӣ биносига келтириши. Бу ерда уни бошқа одамларга топшириши. Улар Эгамбердини обдон тинтуб қилиб, хизмат гувоҳномасини, ён дафтарчасини, иш кабинетининг калитларини олиб қўйиши. Сўнг кўлларини дастрўмол билан боғлаб, фойега — бошқа гаровдагилар сақла-наётган жойга олиб келиши. Вақти-вақти

билан уларни якка-якка ҳолда қайсири кабинетга сўроқча олиб боришиарди. Сўроқ чогида гаровга олингандарни шафқат-сизларча калтаклашар, таҳқирлашар устларидан кулишарди. Баъзиларини террорчилар «сўроқ» чогида ҳатто калтаклаб ўлдириши. Бу ҳол кечкурингача давом этди. Терговчи босқинчиларнинг гап-сўзларидан гаровга олингандарни ўзларига жонли қалқон қилиб, бинони тарк этиб, қўшини республика худудига ўтиб олиш учун Пахтаобод туманига йўл олиш ниятида эканликларини билиб олди.

Орадан бир оз вақт ўтгач, бир гурух гаровга олингандарни, жумладан, майор Топиболдиевни ҳам автомат ўқталиб ҳовлига олиб чиқиши. Бу ерда бир тўда аёллар бақириб-чақириб қўллари боғланган кишиларга ташланиши, қўлларига илингандарсалар билан уларни уриши, кийимларини ииртиши. Тўс-тўполондан фойдаланиб Топиболдиев қўлини ечди ва сездирмасдан ҳокимият ҳовлисида тўплган оломон орасига қўшилди. Энди бир амаллаб ҳовлидан чиқиш керак эди. Мазкур вазиятда бу ниҳоятда мураккаб

вазифа бўлиб, сабаби, дарвоза олдида автомотилар туришар, ҳеч кимни ташқари чиқаришмасди. Қоровуллар кимнидир тинтуб қилишаётганини кўриб, пайтдан фойдаланган Эгамберди дарвозадан чиқиша мувоффақ бўлди. Буни қоровуллардан бири пайқаб қолди.

— Тўхта! Орқага қайт! — дея бақирид у автоматини отишга шайлаб.

“Хор бўлгандан кўра ўлган афзал!” хаёлидан ўтказди у шаҳар прокуратураси томон қочаркан. Орқасидан автомат овози эшилди. Майор Э. Топиболдиев баданинг ачишганини сезди — у яралангандар эди. Шунга қарамай шаҳар ИИБга етиб олди ва раҳбарларига вазият ҳақида, кўрган-билигларни тўғрисида ахборот беришига мувоффақ бўлди. Шу куннинг ўзидаёқ Топиболдиевни шифохонага ётқизиши.

Яқинда Андижон шаҳар ИИБ 2-бўлинмаси тергов гурухи катта терговчи, майор Э. Топиболдиев яна сафга қайтди, ўз хизмат вазифаларини бажаришига кириши.

Жасорат тўғуси ўз-ўзидан инсон юрагида пайдо бўлмайди. Тўсатдан, ўқ жойдан ҳам юзага келмайди. Тўсатдан бўшлиқ

пайдо бўлиши мумкин. Биз бугун тинч осмон остида яшаемиз, яратувчилик меҳнати билан машгулмиз. Тинч замонга хос ва мос турлича маънавий фазилатларни ўрганишимиз, руҳиятимизга сингдиришимиз баробарида синовларга шайлик, тайёрлик ҳиссими ҳам йўқотмаймиз. Уни йўқотишга ҳақимиз йўқ. Чунки бундай йўқотишларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди ёки тўлдириш жуда қийин, қимматга тушади. Ички ишлар идоралари ходимларининг қаҳрамонликларини шарафлар эканмиз, шутариқа ўз-ўзимизда, бошқаларда Ватанимиз тақдирни, ватандошларимиз тақдирни учун масъулият туйғусини тарбиялаймиз.

Аммо бир нарсани ҳамиша эсда тутиш керакки, гап шунчаки, катта мақсадсиз жасорат ҳақида кетмаяпти. Ўқ, гап инсоннинг ҳаётий позициясини, дунёқарашини ифодаловчи қаҳрамонлик ҳақида кетаяпти.

Инсоннинг ҳаётий позицияси эса илк қадамларини ташлаган пайтдан эътиборан унинг онгига шаклланада боради. Шуни таъкидлаш керакки, майор Топиболдиевнинг қатъий ҳаётий позицияси бўлган эди ва

бор. У гарчи ҳаёт ва мамот чегарасида турган пайтида синовлардан кўркмади. Чидади, ўз Ватанини, халқини, оиласини сотмади. Террорчиларнинг хаёлий келажак ҳақидаги сафсалатари га учмади. Ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да ғалаба қозонди.

Эгамберди Топиболдиев 1964 йилда туғилди. Ҳарбий хизматдан сўнг Тошкент ҳукуқшунослик факультетига ўтишга кирди. Андижон вилояти ички ишлар идораларида 1994 йилдан хизмат қилиб келади. Дастанг ёнгин хавфсизлиги бўлимида инспектор бўлиб ишлади. 1996 йилда эса Андижон шаҳар ИИБ тергов бўлинмасининг терговчилигидан тақдирланди.

— Инсон ва терговчи сифатида шаклланишимида подполковник Муҳаммаджон Жамолов, майорлар Авазбек Мирзаев ва Абдунаби Азимов каби устозларимнинг ҳиссаси каттадир, — дейди Эгамберди Топиболдиев. — Айнан улар мени сабр-тоқатли бўлишига, кийинчилик-



ларни писанд килмасликка, олдинга қўйилган мақсадга сабитқадамлик билан эришишга ўргатиши.

Тирик қолишим ниҳоятда мушкул бўлган ўша фожиали соатларда оиласи, фарзандларим ҳақида ўйладим, устозларимни эсладим, юзага келган мураккаб вазиятдан йўл топиб чиқишига ишончимни йўқотмадим. Яратганинг инояти билан тирик қолдиган, севимили Ватаним — жонажон Ўзбекистонимни сотмадим.

Майор Эгамберди Топиболдиев кўрсатган фидоилиги, мардлиги ва садоқати учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофиқ “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Борис КЛЕЙМАН.
Суратда: майор Эгамберди Топиболдиев.

Хизматларда

ПУЛЬТ ОРҚАЛИ ҚЎРИҚЛАНМОҚДА



Сирдарё вилоят Гулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмасида хонадонларнинг дахлсизлигини таъминлаш учун марказлашган қўриқлаш пульти хизматидан самарали фойдаланилмоқда.

— Тахлиллар шуни қўриқлаш пультига ишониб топширилган хонадонларда ўғирлик ҳолатлари умуман содир этилмади, — дейди бўлинма бошлиғи, капитан Нуриддин Ҳакимов. — Бу хизмат кўрсатаётган хонадонларга ташвишгоҳ ва ёнгидан сақлаш жиҳозлари ўрнатилган бўлиб, ходимлар томонидан доимий равишда эътибор билан кузатилиб келинади.

Марказлашган қўриқлаш пульти нинг бенуқсон ишлашида операторлардан Азиза Зоитова ва Дилфуз Халилова ҳамда қўлга олиш гурухи ходимлари, сержантлар Дилшод Мирзаҳадов, Анвар Назаров, Одил Мусулмонқулов, Абдулазиз Нажмиддинов, Замон Тожиев, Тўрабек Холбеков, Шерзод Худойбердиев ва Улуғбек

Холдорвларнинг хизматлари катта бўляпти. Улар топширилган вазифаларни сидқидилдан, хушёрлик ва зийраклик билан бажаришаётгани учун қувончли натижаларга эришилмоқда. Энг муҳими, хонадонларда ўғирлик ҳолатлари содир этилишининг олди олинмоқда.

Шунингдек, ушбу хизмат ходимлари томонидан кўплаб халқ хўжалиги объектлари, хусусий корхона ва иншоотлар қўриқловга олинган.

СУРАТДА: марказлашган қўриқлаш пульти бошлиғи, лейтенант Одил Болтабоев (чапда), оператор Дилфуз Халилова ва қўлга олиш гурухи ходими, сержант Абдулазиз Нажмиддиновлар.

Умарзок ФАФОРОВ,
катта сержант.

Икром ЖОНЗОКОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Миллий матбуот марказида мамлакатимиздаги ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2005 йил 1 августдаги "Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ва 2005 йил 9 августдаги "Қамоққа олиш ҳукуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонларига багишланди.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Б. Жамолов, Ички ишлар вазирининг ўринбосари А. Шарафутдинов, Адлия вазирининг биринчи ўринбосари И. Абдуллаев, Баш прокурор ўринбосари Б. Нурмуҳамедов ва ҳукуқни муҳофаза қилиш идораларининг бошқа вакиллари иштирок этишиди.

Улар ўз чиқишиларида ва ахборотларида юқорида зикр этилган қонун ҳужжатлари мамлакатда инсон манфаатлари ва ҳукукларини таъминлашга, ҳукуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятида қонунчиликка риоя этилишига, инсон ҳукуклири ва эркинликларининг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиюти нуфузини янада мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат сабитқадамлик билан ўтказилаётганидан далолат беришини таъкидладилар. Оммавий ахборот воситаларининг вакилларига қабул қилинган Фармонларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Маълумки, юртимиз мустақилликка эришиши билан ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида демократлаштириш ҳамда тубдан янгиланиш жараёнлари бошлаб юборилди. Жумладан, суд-ҳукуқ тизимини либералаштириш босқичмабосқич амалга оширилмоқда. Бу қонунларнинг инсонийлик ва демократик асосларини мустаҳкамлаш демактир. Ушбу жараён ўлим жазосини қўллашдек нозик масалани ҳам четлаб ўтмади.

Истиқлолга эришгани миздан буён ўтган 14 йил давомида жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосини қўллаш соҳаси чеклаб борилди. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексида ўлим жазосини кўзда тутилган жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнида адолатсиз ҳукм чиқарилиши эҳтимоли муайян даражада камаяди.

Юқоридаги жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазони маҳсус тартибли колонияларда ўташлари

лик учунгина ўлим жазоси кўзда тутилган. Бундан ташқари, 2001 йили қабул қилинган қонунчиликка кўра жиноятнинг оғирлик даражасидан қатъи назар, вояга етмаганлар, аёллар ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан ўлим жазоси қўлланмас эди.

Юқоридаги Фармонлардан бирига мувофиқ эса 2008 йил 1 январдан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига

назарда тутилган. Шу сабабли, ушбу тоифадаги жазоларга ҳукм қилинган шахсларни сақлаш, шунингдек, уларни қўриқлаш ва назорат қилиш тартиби ва шартларини белгиловчи идоравий-меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Баш прокуратураси, Ички ишлар

ларнинг жазо ўташини ташкил этиш бўйича тажрибага эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тегишли қонунларини чукур ўрганиш зарур бўлади.

Жиноий-ҳукуқий сиёсат ва ҳукуқни қўллаш амалиётида туб ўзгаришлардан далолат берувчи янада бир муҳим қадам – бу мамлакатимиз Президенти томонидан "Қамоққа олишга санкция бериш ҳукуқини судларга ўтка-

тида жиноий таъқиб ҳамда қамоққа олиш масаласини ҳал қилиш чоғида фуқароларнинг эркинлигини таъминловчи ҳукуқий кафолатларни янада мустаҳкамлайди.

Қамоққа олиш билан боғлиқ бундай тартибининг жорий этилиши Ўзбекистоннинг инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳалқаро андозаларга оғишмай риоя этаётганини билдиради. Айни пайтда бу юртимизда инсон ҳукуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатловчиси бўлган суд ҳокимиюти нуфузини кучайтириш йўлидаги навбатдаги босқичдир.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳукуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришдир. Шу маънода мазкур Фармон шахсни асоссиз таъқиб қилиш ва унинг ҳаётига аралашишдан ҳимоялаш, унинг шахсий дахлсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча ҳукуқий кафолатлар яратади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қонунда назарда тутилган бошқа чоралар самара бермаган алоҳида ҳолларда қамоққа олиш чораси факат ваколатларига мувофиқ жиноят ишлари бўйича суд ёки ҳарбий суднинг қарорига кўра қўлланилиши назарда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Баш прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматига учойлик муддат ичидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилган.

Жиноятга оид қонунчиликка киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар судларга энг қисқа муддатларда ва соддалаштирилган тартибда санкция бериш ёки буни рад этиш бўйича қарорлар чиқариш имконини бериши лозимлиги энг муҳим жиҳатдир. Бу ўз навбатида тергов идораларига жиноят ишларини тергов қилишда тезкорликни ва жиноятларни очишида ҳозирда мавжуд юқори кўрсаткичларни сақлаб қолиш имконини беради.

Матбуот конференциясида қатнашган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар олишиди.

Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.

ИНСОН ҲУКУКЛАРИ ОЛИЙ КАДРИЯТ

умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши белгилаб кўйилган.

Умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон

вазирлиги, Миллий ҳавфсизлик хизматига ҳозирда ўлим жазоси тайинлашга йўл кўядиган жиноятлар содир этган шахслар учун озодликдан маҳрум этишининг аниқ муддатларини белгилаш ва асослаш, шунингдек ўлим жазоси ўрнига жорий қилинадиган жазоларни ижро этиш тартиби ва шартлари бўйича таклифлар тайёр-

зиш тўғрисида"ги Фармоннинг қабул қилиниши бўлди. Унга кўра 2008 йил 1 январдан эътиборан жиноят қилишда гумондор ёки айбор шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳукуки судларнинг ваколатига ўтказилади. Бу суд-ҳукуқ тизимининг янада либераллашуви, хусусан тергов жараёнида шахс эркинлигини чеклаш



Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланади. Чунки мазкур судларда малакаси кучли ва тажрибали судьялар фаолият кўрсатишиади. Натижада қонунчилик бўйича ўлим жазоси кўзда тутилган жиноят ишларини кўриб чиқиш жараёнида адолатсиз ҳукм чиқарилиши эҳтимоли муайян даражада камаяди.

Юқоридаги жазоларга ҳукм қилинган шахслар жазони маҳсус тартибли колонияларда ўташлари

лаш топширилган. Жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунчилигига қўшимча ва ўзгартишларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда киритиш ҳам муҳим аҳамиятга эга вазифадир. Бу борада таклифлар тайёрлаш чоғида ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ ҳалқаро ҳукуқий ҳужжатларни, мазкур жазо турини бекор қилиб, умрбод ёки узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган

билан боғлиқ масалани ҳал этишида судларнинг ваколати кенгайишининг тасдигидир. Қамоққа олиш шахснинг эркинлигини чегаралайди. Бунга санкция бериш ҳукуқининг судларга ўтказилиши гумондор, адвокат, прокурор ва бошқа манфаатдор шахслар иштирок этадиган очик суд жараёнида шахснинг эркинлигини чеклаш масаласини ошкора, адолатли ҳал этиш имконини беради. Бу ўз навбатида тергов идораларига жиноят ишларини тергов қилишда тезкорликни ва жиноятларни очишида ҳозирда мавжуд юқори кўрсаткичларни сақлаб қолиш имконини беради.

Матбуот конференциясида қатнашган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар олишиди.

Бобомурод ТОШЕВ тайёрлади.

Хизматларда

Қарақалпогистон Республикаси ИИБ ППХ ва ЖТСБ биносига кириб борганимизда ходимлар хизмат жойларига йўл олишган экан. Навбатчилик қисми инспектори, капитан Несибек Ганиев ҳамда унинг ёрдамчиси, сержант Ажиниёз Тавмуротов телефон ва бошқа алоқа воситалари орқали бериладётган хабарларни қабул қилас, уларга жавоб қайтарар, нималарни даридор ёзар, ахборот берарди.

Биз вактдан фойдаланиб, бино ва унинг атрофини кузатдик. Бу ерга мазкур бошқарма жойлашгандан кейин анчагина файз кирибди. Чиройли таъмирлангани ва дид билан бе-затилгани дикқатни тортади.

Бино атрофидаги каттагина ернинг бир қисми шудгорланниб, сугорилиб қўйилганлиги мўъжазгина боғ ташкил этилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Батальон командири, майор Баҳодир Хўжаназаров бизга ҳамроҳлик қилишини билдириб, машинасига таклиф қилди. Йўл-йўлакай Мустақиллик байрами қандай ўтганлиги билан қизиқдик.

Халқимиз кўнгилочар тадбирлардан жуда мамнун бўлишди. Энг муҳими, улар хавфсизлик ва осоиштилини таъминлаётган посбонларга ишонч билан қарашди. Бу йилги байрам мен учун қўшалоқ бўлди. Майор унвонини беришди, – деди Баҳодир хурсандчилигини яширолмай.

Рация ишлаб қолганидан кейин Баҳодирни бошқа безовта қилмадик. Туннинг қора пардаси борликни қоплади. Турли-туман шаклда порлаётган чироқлар шаҳар ҳуснига ҳусн кўшмоқда. Одамлар иш ва ташвишлардан сўнг яратганга шукроналар айтиб, дам олиб, тин-



чиғина ётиб ухлашга ошиқиша-ди.

Айтилган жойга ётиб борганимиздан бир оз ўтиб, сержантлар Қурол Омаров ва Яхшигелди Аметовлар сумка кўтарган йигитни тўхтатиб текширишди. Шубҳа ўринли чиқди. Йигит 62 дона аёллар кийимини ўғирлаб келаётган экан.

Сал ўтмай яна битта ўғирлик фош этилди. Нукус уй-жой курилиш цехидан тўқсон метр

йигирма ёшли М. М.нинг орзуси саробга айланди. Қилмишини тушуниб етди чоғи, ўқириб йиғлаб юборди.

Яна навбатчининг навбатдаги хабари эшишилди. Сафдор Баҳром Нуруллаев қидирудва юрган жиноятчани ушлаган эди.

Олдин ҳам биттасини Хўжайли шаҳридан тутиб келтирганди. Яша азамат! – деди командир у ҳақда тўлқинланиб сўзларкан. Шу тунда ходимлар

томонидан шаҳарнинг Досназаров кўчасидағи "Турон" кафеси ёнида ивирсиб юрган, илгари судланган шахс ушланиб, унинг чўнтағидан геройн чиқди.

Тун яримлаб қолганда "Бройлер" ЙПХ масканига йўл олдик. Бу ерда ППХ кинологи, сержант Қодирбай Болтабаев "Граф" лақабли хизмат ити билан ҳўшёр турарди.

– Кўл жанги бўйича шуғулланиши қаҷон бошлансиз.

– Ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг спортивнинг шу йўналиши бўйича шуғуллана бошладим. Шу соҳадаги машқларда менга таникли устоз Рустам ака Илҳомов ёрдам бердилар. Орадан бир йил ўтиб, республика мусобақасида биринчи ўринни эгалладим. Кейинчалик бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлдим.

– Ҳозирда ўзингиз ҳам мураббийлик қилаётган экансиз.

– Йиллар давомида спортивнинг ўзим севган туридан

озми-кўпми тажриба ортиридим. Билғанларимни ёшларга ўргатишмий сўрашган эди, рози бўлдим. 1996 йилдан бери “Динамо” ФСЖД ёш спортчилар билан машқ ўтпаман. Айни пайтда кикбоксинг бўйича Ўзбекистон терма жамоасига ҳам устозлик қиласдим.

– Сиз тарбиялаётган ёшлар орасидан юқори натижага эришганлари бўлдими?

– Албатта. Шу йиллар даво-



мида 7 нафар ҳалқаро спорт устаси, 20 нафар спорт устаси етишиб чиқди. Шогирдларимдан Баҳтиёр Ахмедов ҳозирда кўл жанги бўйича жаҳон чемпиони, кикбоксинг ва тай жанги бўйича Осиё чемпиони, Аслиддин Мусаев исмли шогирдим эса кўл жанги бўйича бир неча бор республика чемпионлигини, тай жанги бўйича Жаҳон чемпион, кикбоксинг бўйича Осиё чемпиони унвонларига эга бўлди. Улар билан фахрланмай бўладими? Шогирдларнинг фалабаси менинг ҳам фала-бам, ютуғим.

– Ҳукукни ҳимоя қилиш идоралари ишлайтган ёшлар ҳам сизда шуғулланишар экан.

– Ҳа. Бу спорт тури уларга хизмат давомида жуда аскотади. Чунки тинчлик ва осойишталики ҳимоя қилаётган ходимлар жисмонан бақувват, чақон ва ўта хушёр бўлишлари шарт. Яна бир нарса. Бизда тарбияланиб кетаётган ёшларнинг кўпчилиги ички ишлар идораларида хизмат қилишмоқда.

– Ички ишлар ходимлари спортивнинг қайси турини афзал кўришади?

– Албатта, кўл жанги-да. Сабаби, спортивнинг айнан шу турiga каратэ, бокс, кикбоксинг жамланган. Спортивнинг ҳамроҳлари бўлсинг. Улар орасидан эса янги-янги чемпионлар етишиб чиқаверсинг.

Сұхбатдош: Тимур РУЗИМАТОВ.



Инсоз

«Фарзандларимиз биздан кўра
кучли, билимли, доно ва албатта
баҳтили бўлишлари шарт!»

Ислом КАРИМОВ.

Ёшлар саҳифаси

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, БМТ ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан ОИВ/ОИТС ва жинсий йўл билан юқадиган бошқа касалликлар, шунингдек, гиёхвандликнинг олдини олиш бўйича лойиҳа тузилганни. Биз ушбу лойиҳанинг маслаҳатчиси педагогика фанлари номзоди, профессор – Луқмон Казаков билан суҳбатлашдик.

– Аввало, лойиҳа ва унинг мақсадлари тўғрисида батафсилоқ айтиб берсангиз.

– Лойиҳа 2001 йил 15 октябрда ОИВ/ОИТС, жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва гиёхвандликнинг олдини олиш мақсадида тузилган эди. У 13 ёшдан 27 ёшгача бўлган ёшларни мазкур хасталиклардан огоҳлантиришига қаратилган. Интерактив семинарлар – тренинглар кўринишида ўтказилган профилактика тадбирлар чоғида ёшлар касалликлар, уларнинг юқиши йўллари, пайдо бўлиш сабаблари ҳақида маълумот олишади. Семинар – тренинг соглом турмуш тарзини тарғиб килишга қаратилган.

Маълумки, ўсмирлар мактабда, кўча-кўйда, тенгдошлари орасида салбий таъсирга тез берилувчан бўлишади. Бунда оддий қизиқувчаник асосий роль ўйнайди. Болани фойдали ахборотлар, билим олишига қизиқтириш, турли тўғракларга жалб этиш керак. Асосий фаолият йўналишларимиздан бири ўрта мактабларда, олий таълим муассасаларида ОИВ/ОИТС, жинсий йўл билан

тайёрланган ёшларни ўзида бирлаштиради.

– Кўнгиллilar қайтарзда танлаб олинади?

– Хар бир волонтёrlар гуруҳи коллеж, лицей ўкувчилари ва олий таълим мусассасалари талабаларидан таркиб топади. Бизнинг кўнгилларни ходимимиз мумоалага киришимиз, таҳлил қила оладиган, мушоҳада қилиш қобилияти-

бўлади. Семинар-тренинглар эса "Республика ОИВ/ОИТС, тери-таносил касалликлари ва гиёхвандлик мумомлари", "Ёшлар ўртасидаги профилактика ишлар олиб бориш", "Асосий ҳаёт тарзларининг ахоли соглиғига таъсири", "Жинсий тарбиянинг тиббий, ижтимоий ва психологик томонлари", "Тенгингга тенглаш" усули бўйича ишлашнинг асосий

Бугунги кунда тайёр жамоалар ўз минтақаларида ишларни бошлаб юборишади. Хар бир семинардан сўнг тобора кўпроқ ёшлар юқоридаги касалликлар нақадар ҳавфли эканлигини, ундан нафақат ўзларини, балки яқинлари ва дўстларини ҳам асрар ўйларини билиб олишади.

– Фаолиятларнингизда қандай муаммоларга дуч келиб турасизлар?

– Энг оғир муаммо – ОИТСга чалинган одамларни кўллаб-қувватлаш ва тушуниш масаласидир. Бизда ишонч телефони ишлаб турибди. У орқали ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари мумкин. ОИТСга чалинган кишиларга нисбатан бағрикенглик кўрсатишимиш керак. Бу маънавий муаммо бўлиб, оиласда, ишхонада уларга яхши мумомлала бўлишдан тортиб давлат томонидан уларни ижтимоий ва хуқуқий жиҳатдан ҳимояловчи қонунлар қабул килишгача бўлган ишларни ўз ичига олади.

Аммо ҳалигача кўпчилик ОИТСга чалинганлар билан мулоқотга киришишдан чўчишиади, касаллик юқишидан кўркишиади. Улар бошларига бундай кун тушишига беморларнинг ўзлари айборд деб хисоблашади. Ваҳдоланки, касаллик тасодифан, шифокорларнинг хатоси туфайли юқсан кишилар ҳам бўлади-ку. Биз қийин аҳволга тушиб қолганларга ёрдам беришга ҳаракат килаяпмиз.

Мутахассисларни ёшлар билан ишлашга ўргатишида уларнинг кўрсататига таъётган хизмати самарали бўлишига эътибор бераяпмиз. Токи хасталикларнинг олди олинсин. Бу жинсий йўл билан юқадиган касалликларга ҳам, ОИТСга ҳам тааллуқли. Баъзан ёшлар бизга мурожаат килишга ийманишади. Шундай вазиятда жамоатчилик яқиндан ёрдам беради деб ишонамиз.

– Суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош Сабина ҚАЮМОВА.
Суратда: тадбирдан лавҳа.

юқадиган касалликлар ва гиёхвандликнинг олдини олиш тўғрисида маърузалар ўқиймиз, очик дарслар, семинарлар ўтказмиз. Маҳалаларда ҳам шундай тадбирлар ўтказиб турамиз.

Бизни шу нарса қувонтиради, семинарлар чоғида сафимизга ёшлар орасидан янги-янги кўнгиллilar (волонтёrlar) кўшиляпти. Кўнгилли мураббийлар босқич-ма-босқич рағбатлантирилишади.

– Ҳозиргача қандай натижаларга эришилди?

– Лойиҳага мувоғи бутун Ўзбекистон худудида кўнгиллilar тармоғи ташкил этилган. Республика "Камолот" ЁИХнинг ҳар бир вилоят, Коракалпогистон Республикаси ва Тошкент шаҳар бўлимларида Ресурс марказлари тузилган. Улар Ёшлар лойиҳаси томонидан ўз тенгдошлари орасида иш олиб бориш учун

минар-тренингларнинг мавзулари ҳақида гапириб берсангиз.

– Волонтёrlар танловдан сўнг семинар-тренингларда қатнашишлари керак. Бундай тадбирлар чоғида уларнинг волонтёrlик соҳаси учун мухим бўлган хусусиятлари, қирралари намоён

тамоиллари", "Волонтёrlарни профилактика тадбирлар ўтказишига тайёрлаш", "Хавфли гурух" ва-

сертификатлар топширилди. Улар энди мустақил равишда 2-3 кунлик семинарлар ўтказа олишади.

Семинарлар чоғида волонтёrlар ва мураббийлар билимларидан ташқари актёрлик маҳоратларини ҳам намоиш этишларига тўғри келади. Шунингдек, оиласидан ҳаётга тайёрлаш, қариндошлар ва дўстлар билан муносабат, зиддиятли вазиятлардан чиқишига маслаҳатлар берилади.

– Луқмон Ҳакимович, мазкур семинарларда шифокорлар, хукуқни муҳофаза қилиш идоралари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам қатнашишса керак?

– Албатта, тренингларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар аъзолари, ички ишлар идоралари, прокуратура ходимлари, маҳалла кўмиталари, вилоятлардаги

киллари билан ишлаш" каби мавзуларга бағишишади. Шунингдек, кўнгиллilar ҳар бир семинарда уюшкоқлика, мумоалага ўргатадиган ўйинлар ўйнашади, психологик тестлар ечишади ва энг мухими жамоа бўлиб уюшишини ўрганишади.

Чигал тақдирлар

ГУЛ БАРГИДА СОВУҚ ШАБНАМ

лари ҳақидаги дипломга ҳам эга бўладилар.

Шу ерда опанинг сўзини бўлиб, колледж қизларининг айримлари билан суҳбатлашиш ниятимиз борлигини айтдик. Аммо улар билан тил тошиш осон бўлмади. Бухоро вилоятининг Жондор туманида яшовчи, ўзини Анора (исмлар ўзгартирилган) деб таништирган қиз шундай деди:

– Ёшим 17да. – Иқтидорлилар лицеида таҳсил олиб юрган пайтимда ўқитувчимиз билан айтишиб қолдим. Йўл ёқасида йиглаб ўтирасам, ёнимга бир такси келиб тўхтади. Ҳамдардлик билдириб, мени юпатмоқчи бўлгани учун унга ишонибман. Машинасида анча сайд қилдик. Кейин у менинг узоқ муддатта озодлиқдан маҳрум этилгач, биз, болалар отам

Роппа-роса беш ой исловатхонада "хизмат" қилишимга тўғри келди. Бир яхши инсоннинг ёрдами билган ота-онам суратимни ички ишлар бўлимига бериб, қидирив эълон қилишган экан. Профилактика инспектори мени ушлаб олиб, ўйимизга олиб борди. Онам ўрай эди. Шу боис муаммоларим ҳал бўлди, дея олмайман. Ниҳоят шу ерга олиб келишиди...

Чирчиқлик 14 ёшли Виканинг кўрган-кечиргандари яна-да аянчлироқ.

– Мен ҳам бошқа тенгдошларим қатори ўз оиласида болалик завқини сурishга ҳақли эдим, – дейди Вика кўз ўшларини тия олмай. – Лекин онам узоқ муддатта озодлиқдан маҳрум этилгач, биз, болалар отам



қарамогида қолдик. Кунларнинг бирида отам маст бўлиб келди. Ярим тунда ўз хонасига ҷақириб, мажбуран кийимларини ечиб ташлади... Номусим поймол бўлгач, бу хўрликка чидомай ўйдан қочиб кетдим.

– Яширмайман, онам фохишилик ва қўшмачилик билан шуғулланарди, – дейди фарғоналик Зухра. – Ҳатто, шу дарражага бориб етдики, мени пул эвазига ёши катта кимса-

га ҳада қилмоқчи бўлди. Отамга айтдим. Аммо отам бечора ҳам онамга бас келолмади, тухматга учради. Охири ўқишини ташлаб, ўйдан қочиб кетишидан ўзга чора тополмади.

Навоийлик Наргизанинг тақдирли ҳам қалбингизни шамолда қолган баргдек титратиб юборади. Айтишича, у онаси билан чиқишолмай, бувисиникида истиқомат қила бошлайди. Билб-билмасдан атрофдаги нотайнин кимсалар билан дўст тутинади. Бу "дўстлик" иффатининг топталиши билан якун топади. Ҳаёт зарбаларидан ўзини йўқотиб кўйган қиз ичишини ва чекишини ўрганинади.

Хуллас, бу ердаги қизларнинг аксариятини ўзимиз истамаган ҳолда носоглом турмуш тарзининг қурбонлари, дейиш мумкин. Уларнинг ота-оналари хонадонларида чакалоқ йигиси ўшилтилганда, бошлари осмонга етгудек севиниб, Анора, Вика, Зухра, Наргиза деб исм кўйганлар. Ҳайот, бир пайтлар ўзларига кувонч баҳш этган зурриёдларини бугун ҳаёт тўфонларига рўпара қилиб қандай бош кўтариб юришган экан-а?

Насибахон ҲОЖИМАТОВА,
Раҳмонали ҚОСИМОВ.

Хориж детективи

Бет Раймонд иккинчи жомадонни ҳам ёпди-да, қўшни хонадаги эрига бақири:

– Мен тутатдим, Жорж. Кийимлар таҳт.

– Яхши, – деди Жорж. – Ҳали бир соат вақтимиз бор. Эҳтимол бирор нарса ичармиз.

– Мен коктейль тайёрлайман.

Бет шундай дея меҳмонхона га кирди ва хонанинг ярми га етганда оромкурсида ястаниб ўтириб, стакандаги брендидан ҳўплаетган икки юзи кип-кизил, тўладан келган эр-какка қўзи тушди.

– Салом, Раймонд хоним, – деди у тавозе билан. – Ичиши хоҳлайсизми?

– Кимсиз? Бу ерда нима қиласяпсиз? – жаҳл аралаш сўради Раймонд. – Дарҳол жўнаб қолинг, бўлмаса полицияни чакираман.

– Мени Макс деб аташиниз мумкин, – деди чакирилмаган меҳмон пинагини бузмай.

– Полиция масаласига келсак, бу билан хатога йўл қўясиз, деб ўйлайман.

Бет телефонда полиция рақамини тераётганида билагидан бақувват қўл тутди. Аёл қаршилил кўрсатиш бефойда эканлигини англаб, гўшакни жойига қўиди. Бет ўрта бўйли, малла йигитни пайқамаган экан. Чунки у Бетнинг Олимпиада ўйинларига борганида тушган суратларини томоша қилаётган эди.

– Коматинг зўр-ку, дўндиқча, – деди у аёлнинг кулоғига шивирлаб.

– Профессорнинг диди чакки эмас.

– Уни қўйиб юбор, Жо, – деди Макс. – Даастлабки дамлардан үй бекаси билан низолашиб қолмайлик. Бунга ҳар доим ҳам улгурмаз.

– Тўғри айтасан, Макс, – деди у ва Бетга юзланди: – Ҳали сен билан яқиндан танишиб оламиз.

Шу пайт меҳмонхона га Жорж кириб келди.

– У ҳақ, Бет, – деди у хотинига яқинлашар экан. – Полиция га сим қоқишишнинг ҳожати йўқ.

– Сен... сен бу одамларни танийсанми?

– Ҳа, Максни биламан. Биз бир пайтлар у билан бирга яшардик... Бет, сенга бу ҳақда аллақачон айтиб бермоқчи эдим. Макс билан Нью-Йорк қамоқхонасида ўтирганимиз. Саккиз йил олдин у ердан қочишга муваффак бўлдим.

– Кайфиятингизни бузманг, Раймонд хоним, – уни тинчлантиришга уринди Макс. – Эрингиз бирор ножӯя иш қилмаган. У ёқилғи қуиши шохобчалини таламоқчи бўлган икки йигит билан бир машинада ўтирган, холос. Тасодифан шохобча эгаси оламдан ўтади. Жоржнинг бу қотилликка ҳеч қандай даҳли йўқ. Аммо илгари қамалиб чиққани учун унга йигирма йил қамоқ жазоси беришиди.

– Мени кечир, Бет, – хўрсишиб деди Жорж Раймонд.

– Ҳечқиси йўқ, – деди аёл. – Сени жуда яхши биламан. Ҳатто пашшага ҳам озор беришини истамайсан.

– Раҳмат, Бет, – маъюс кулди Жорж. – Мени қандай топдинг, Макс?

– Алоқаларим кучли эканлигини биласан-ку. Қамоқдан чиққач, Жо билан танишиб қолдим. У аёлларга қандай муомала қилишини яхши билади. Сенинг адабиёт бўйича агентинг билан танишиб, манзилингни билиб олди. Мана, кўриб турганингдек шу ердамиз.

– Ҳаммаси тушунарли, – деди Раймонд. – Сенга нима керак ўзи, пулми?

– Пул? – Макс қаҳқаҳа отиб кулди. – Биз Жо билан озмунча даромад топмаймиз. Уни Шарқдаги айрим кўнгилсизликлар ташвишга солаяпти. Алоқа ўрнатиб олгунча турар жой керак. Шу боис, вақтинча сенинида яшаб туришга аҳд қилдик. Иккимиз ўтган кунларимизни хотирлагунча Жо хотинингнинг димомини чоғ қилади. Ишончим комил, бу унга маъқул бўлади. Жо мусиқачи. У одам ўлдириш қулайроқ эканлигини фаҳмлабунча тунги клубларда мусиқа чалган. Энди эса киллер... Жорж,

мени ҳеч ким танимайди, деб ўйлагандим.

– Хўш, энди-чи? – сўради Бет.

– Энди ҳаммаси Максга боғлиқ. Мабодо у полицияга сим қоқса, яна панжара ортига тушишим мумкин.

Орадан беш дақиқа ўтгач, меҳмонхонага Жо ва Макс кириб келишиди.

– Менга шўнғиши ўргатинг, Бет, – деди Жо айёrona кулиб.

– Яхши, – деди Бет, – бориб кийимимни алмаштириб олай.

– Хотининг оғатижон-да, Профессор, – Макс беўхшов ишшайди. – Мусиқа чалишни билади. Олимпиада ўйинларида минорадан сувга сакраш бўйича бронза медалини кўлга киригтан.

– Сенга нима керак? – савол берди Жорж Раймонд унинг сўзини бўлиб. – Бу ерда неча кун қолмоқисан?

– Кўрамиз, кўрамиз... Хотининг оғатижон-да, Профессор, – деди Бет.

– Кўрдингизми, бу унчалик мураккаб эмас, – деди у сув юзига чиққач. – Фақат эҳтиёт бўлиш зарур. Бассейннинг чуқурулиги тўққиз фут, ҳозир олти футида сув бор.

Жо минорадан бассейнга ҳаваскорларга хос тарзда сакради.

– Макс, кел ёнимизга, сувга туш, – бақириди у минорага чиқишига иккиланиб турган бақалоқча. – Мана буни роҳатижон деса бўлади.

Макс бассейннинг четига ўтириб, пастга аста сирғалиб тушди.

– Энди эса мураккаброқ шўнғиши кўрсатаман, – деди Бет. У темир нарвон орқали осонгина тепага чиқиб олди. Кейин нарвонни бассейн деворига маҳкамловчи, Жорж меҳнат таътилига чиқишидан олдин бўшатиб кўйган болтларни суғурди. Сўнгра бир силташда нарвонни тепага тортиб олди.

– Хозир нарвон бўлмаган ва

га тушириди. У сўкинганча сувга сакрашга мажбур бўлди.

– Сен эримга азоб бердинг, – деди аёл. – Кўп одамларни азобладинг. Аммо ҳеч ким сенинг жонингни қийноқча солмаган.

– Бу билан бирор нарсага эришолмайсан, қанжиқ, – бақириди Жо. – Биронта одам келиб қолса бизни қутқаради, кўриб турибсанки тамом бўласан.

– Ўзинг кўрдинг Жо, уйимиз овлоқда. Шундай экан бу ерга таклифсиз ҳеч ким келмайди.

– Менга қаранг, Раймонд хоним, – ялинишга тушди Макс. – Наҳотки шу пайтгача бу ҳазил эканлигини тушунмаётган бўлсангиз. Илтимос, нарвонни туширинг. Бассейндан чиққач тинчгина уйимизга кетамиз. Профессорни ҳам бошқа безовта қилмасликка сўз бераман.

– Йўқ, Макс, – бошини сепрак-сарап қилди Бет. – Сиз шу ерда қолиш учун келгансизлар. Энди қоласизлар. Бассейнда.

– Жо, мен чарчадим, – деди бақалоқ. – Бирор йўлини топмасанг ҳолимга вой.

– Ўйлаб топдим, – хурсандчилигини яширолмади малла. – Менинг бўйим анча баланд. Агар елкамга чиқсанг бемалол мақсадингга эришасан.

– Нима бўлишини биласанми, Макс, – огоҳлантириди уни Бет ёғоч шиппакни кўрсатиб.

– Ҳечқиси йўқ, – деди бақалоқ. – Оёғинг ёки қўлингдан ушлаб олсан бўлгани. Ҳали бирор киши шиппакдан калтак еб ўлмаган.

Бет тезда гаражи кириб, резина чиқни кўтариб чиқди. У бассейн олдига қайтиб келганида Макс Жонинг елкасида туриб тепага кўтарилаётган эди. Аёл ичакнинг бир учини кранга улаб, сувни тўлиқ очиб юборди. Макснинг боши кўриниши билан ичакни у томонга тўғрилади. Бақалоқ кучли сув босимида дош беролмай пастга қулади ва кўп сув ютиб юборди. Бунинг устига Жони босиб қолди.

– Макс, мени қўйиб юбор? – бақириди Жо сув юзига кўтарилаётган эди. Улар яна сув остига кириб кетишиди. Йигирма сониялардан сўнг сув юзида кўриниб, яна фойиб бўлишиди. Учинчи марта сув остига кириб, бошқа қайтиб чиқишиди...

Шу пайт Жоржнинг инграган товуши эшитилди. Бет эрига ёрдам беришга шошилди.

– Аҳволинг қалай? – сўради у Бетдан.

– Ҳаммаси жойида.

Аёл эрининг туришига ёрдамлашиб юборганида Раймонд бассейнда ҳеч ким йўқлигини кўрди.

– Улар қаерда? – сўради у хотинидан. – Йидами?

– Йўқ, – деди Бет. – Биз, бассейн билан бирга уларнинг жазосини бердик. Ахир ўз бахтимни химоя қилишим керак-ку...

Русчадан Саъдулла ШОДИЕВ ўтириди.



биз машинада бир суткадан ортиқ бўлишимизга тўғри келди. Ҳаммаёфимиз чанг, бунинг устига терлаб кетганимиз ўзимизга ҳам ёқмаяпти. Ҳовлида бассейнга кўзим тушган эди. Тушлиқдан олдин чўмилиб олсан қарши эмасмисан?

– Йўқ, – деди Жорж ноилож. – Чўмилиш кийимлари меҳмонхонада.

– Жо, юр кийимларимизни алмаштириб оламиз, – деди бақалоқ шеригига.

– Жорж, менга ўтмишинг ҳақида сўзлаб бер, – деди Бет улар чиқиб кетгач. – Фақат рашқ қилмагин.

– Йўқ, Макс, бунақаси кетмайди! – жазавага тушиб деди Жорж. – Рашқ қилиб ўтиրмайман, тўппа-тўғри полицияга тушди.

Бақалоқ Жоржни маҳкам ушлади-да, қўлини орқасига қайриди.

– Жо, – шеригини чақириди у.

Малла йигит тезда Раймонднинг олдига келиб иккимарта қорнига, учинчи марта иягига мушт тушириди. Ҳушидан кетган Жорж бассейн олдидаги кафель тўшалган полга йиқилди.

– Жорж! – Бет эрининг олдига бориб, чўккалаб ўтириди.

– Уни нима қилиб қўйдинглар?

– Деярли ҳеч нарса, – деди Жо совуқ оҳангда. – Кичиккина сабоқ бердик, холос. Ярим соатдан кейин ўзига келгач итоат қиладиган бўлиб қолади.

– У жинимизга ёқмайдиган сўзларни айтиб, сафсата сотди, – тушунтириди Макс. – Ўзига келгач гаплашиб оламиз, ҳали. Агар эринг ниятидан қайтмаса икковингиздан бирингиз жабр кўриб қолмасанлар эди, деб қўрқаман.

– Мени шўнғиши ўргат, дўндиқча, – ясама хушомад килди Жо.

Бет оғир хўрсиниб минорага чиқди-да, орасталик билан сувга шўнғиди.

бассейн сувга тўлмаган лайтда уч фут баландликка чиқиши ўрганасиз, – деди у сувдагиларга фазаб билан.

– Жо, у нарвонни олиб кўиди, – деди Макс. – Деворларнинг баландлигини қара, бу ердан ҳандай чиқиб оламиз?

– Кўриб турибман, бу дўндиқчанинг шўхлиги тутди чоғи, – овози титраб деди Жо.

– Жуда яхши. Мен у билан шўхлик қилишга тайёрман.

Малла девор якинига сузиб келиб, имкон қадар юқоририк сакрашга ҳаракат қилди. Кейин бармоқлари билан девор четларини ушлаб, аста-секин тепага кўтарила бошлади. Унинг боши кўринганда Бет ёғоч шиппаклардан бирини олиб аввал ўнг қўли, кейин чап қўли бармоқларига тушириди.

Жо қаттиқ бақирганча сувга қулади.

– Ҳали қараб тур, дўндиқча, – дўй урди у. – Бу ердан чиқиб олай, сенга кўрсатиб кўйман.

Наср

Қамбар ака бугун қаттиқ хаяжонланды. Чогроқина токзорини оралаб юраркан, юрагининг ҳаприқишини ҳеч боса олмасди. Айланалана уйининг ёнидан оқиб ўтувчи ариқ бўйига чўккалади. Сувга тикилиб туриб чуқур хаёлга ботди.

Бугун унинг хонадонига биринчи бор совчи келди. Биринчи бор. Мехмонларни қандай кутиб олганини билади, ҳол сўрашганлари ҳам эсида. Аммо уларнинг ёши улуғи айтган сўзлардан кейин нималар қилди-ю, меҳмонларни қандай кузатди – эслолмайди.

“Кизингизни сўраб келдик...” Качон улғай-иб қолақолди қизи? Ахир кечагина гоҳ қўлида, гоҳ елкасида кўтариб, гоҳида жажки қўлчасидан етаклаб боғчага олиб бораиди-ку. Эсида, қизи беш ёшгача сўргични ташламаган. Богча эшигига боргунча адасининг панасида сўргични сўриб-сўриб оларди-да, кейин боғчага кириб кетарди. Қайтишда эса дарров яна адасининг чўнтағига ёпишарди. Иккинчи фарзанди – ўғли сўргични ташлаган куни у ҳам бу одатини тарк этди.

“Кизингизга яхши тарбия бергансиз. Йўқ деманг...” Кўнгли бўш эмасми, Қамбар аканинг кўзларига ёш келди. Хотинининг шипиршипир қилиб келаётганини сезиб, тезгина юзига сув сепди.

– Нима қилдик, адаси!
– Нима қилардик, сўраб-суринтирамиз-да, – ўзини босиқ тутиб деди Қамбар ака.

– Шаҳарда туришар экан, ўғиллари қизимизни институтда кўриб қопти...

Қамбар ака юзини рўмолчасига арта туриб хотинига ўгирилди.

– Бу гапларни қўй, хотин, ундан кўра бунақа пайтда хотинлар суринтирувни қандай олиб боришларини бил-да, ишга кириш.

– Қандай суришти-

ришни менга қўйиб беринг!

Орадан бир ҳафта ўтиб, совчилар яна келишди. Бу орада Қамбар ака ва унинг қариндошлари бўлғуси куёв ҳақида керагидан ҳам ортиқ маълумот тўплашган, маслаҳатлашиб бир қарорга келиб бўлишган эди. Шунинг учун ҳам совчилар кўп ўтмай ортларига хурсанд ҳолда қайтишиди.

ни ўраб олишди. Харидидан хурсанд оила қишлоққа қайтганида уларни... катта фожиа кутиб турган экан.

Қишлоқнинг ярмини куюқ тутун қоплаган, одамларнинг бақириб-чақирифи яққол эштиларди. Юраги бир нарсани сезган Қамбар ака уйи томон чопа кетди. Қишлоқ аҳли ҳай-ҳайлашиб, ёниб тугаган, лекин ҳамон тутаётган уйга

қизларининг сепига ишлатишга қарор қилишди.

Харидор топиш қийин бўлмади. Савдолашиш пайти Қамбар ака нархни каттароқ айтганида ҳам оловчилар тортишиб ўтиришмади. Ўша ернинг ўзида савдо пишди. Ҳатто олди-берди шартномасига кетадиган харажатни ҳам харидорлар тўлашди. Бундан Қамбар ака бир оз

уй битгунча сабр қилишларини айтиб кетишиди. Ҳатто тўйга кетадиган ҳар икки томон харажатларини ҳам зиммаларига олдилар. “Куда, сиз кўнглингизни чўктирманг. Қишлоқдаги обрўйингизни кўриб сизга ҳавас қилдик. Биз тарбияли, ақлли қизингизни қўлдан чиқаришни истамаймиз!” дейишиди улар. Ниҳоят, йўқотилган камкўст тўлдирилди.

Бўлғуси келиннинг юзига яна қизиллик югурди. Оила анча хотиржам тортди. Қамбар ака оқибатли қишлоқдошларига берган ваъдасини ўстидан чиқиш учун астойдил бел боғлади. Тўй куни ҳам белгиланди.

Индинга тўй деган куни куда томондан вакил келиб қолди.

– Куёв тўйни ўз уйда ўтказмоқчи, – деди у.

– Куёвнинг ўз уйи борлигидан бехабар эканмиз-ку, – ҳайрон бўлди Қамбар ака.

– У келинимизга, сизларга “сюрприз”

қилмоқчи бўлган экан.

– Нимаям дердик, янги уйда бўлса, янги уйда-да, – деди Қамбар ака.

...Ёр-ёр садолари остида кўёнинг янги уйига етиб келгандаридан Қамбар акага бу жой ниҳоятда танишдек туюлди. Ва бирдан тақса тўхтаб қолди. Ҳа, бу жой аввал уники эди. Сотмасидан олдин уники эди. Энди бу ерга чиройли иморат солинибди. Жудаям кўримли иморат. Демак, бундан чиқди, ерни ундан куёви сотиб олган экан-да. Унинг “сюрприз”и шу экан-да. Қамбар ака келин-куёвга қаради. Куёв воқеани айтиб берган, шекилли, қизгинаси бир ёнидаги барно йигитга, бир адасига чексиз меҳр билан бўкарди.

Қамбар ака ҳам чидолмади. “Раҳмат, ўғлим!”...

Эркин САТТОРОВ.

ОТА ЙИҒДАГАН КУН

(Хикоя)

– Факат, – деди Қамбар аканинг акалари меҳмонларни кузатар чоғи, – бизга озгина вақт берасизлар. Хали тўйга тайёргарлик кўриб улгурмаганмиз. Кам-кўстимизни тўғрилаб олайлик.

Икки томон рози-ризолик билан хайрлашибди.

Қамбар аканинг биринчи – орзу-ҳавасли тўйи эмасми, тўйни каттароқ, қизининг сепини тўқис қилишга қарор қилди. Хуллас, ҳамма катта қизикиши билан тўй ҳаракатига тушиб кетди. Ҳамма нарса таҳт бўлган кунларнинг бирида эса...

Келинлик либоси олиш учун Қамбар ака хотини, ўғли ва қизини етаклаб шаҳарга тушди. Қизининг дидига мос тушган кўйлак унга жуда ярашиди. Ўзи шундогам чиройли эмасми, келинлик либосида янада очилиб кетди. Ҳатто дўкон-сотувчилари ҳам, харидорлар ҳам уларнинг атрофи-

кўлма-кўл қилиб сув сепишарди. Қамбар ака бор кучи билан ўзини ичкарига урди. Уни зўрға тўхтатиб қолишганда хушидан айрилди.

Воқеадан хабар топган она-болани ҳам қишлоқ дўхтири хушига келтиришга уринарди. Ёнгин симёғочдан ўтган, муддатини аллақачон ўтаб бўлган электр симларининг қисқа туташви орқали юз берган эди.

Бугун-эрта қишлоқдошларига катта тўй қилиб бериш ниятида бўлган бу оиласининг эндиликда ҳеч вақоси қолмаганди.

Аканинг уйидан паноҳ топган оила бир оз ўзига келгач, энди нима қилиш кераклиги ҳақида бош қотира бошлади. Яхшики, пули борида Қамбар ака шаҳарнинг чекасидан олти сотих ер сотиб олган экан. Маслаҳатлашиб, ўша ерни сотишга ва пулнинг бир тийинигача замга ботган

ажабланган бўлса ҳам иши осон кўчганидан хурсанд бўлиб ортига қайтиди.

Оқибатли ҳамқишлоқлар эса қўлларидан келганча қишлоқдаги уйни тиклашга ёрдам бера бошладилар. Кимдир теракларини кесиб келтириб берди, кимдир ўзидан ортган шиферни тушириб кетди. Яна бирови қум-цементдан қарашибди. Бутун қишлоқ кузга қолдирмай уйни кўтаришга киришибди. Бечора ўғли бир отасининг, бир онасининг кўнглигига қарап, нима иш буоришиша, жонини аямай бажаради. Опасига бирор бир сўз демаса-да, унинг тўйи қолиб кетмаслиги учун кун бўйи лойдан чиқмайди. Ҳатто ярим кечаси туриб фишт, кум ташиб чиқади. Кўздан панада тўйиб-тўйиб ийғлаб олади. Қамбар ака буни кўриб иккичи бир бурчакда бошини ёстиқча босади.

Куда тарафдагилар ҳаммасини тўғри тушуниб,

Оши ҳалол...

«ТИЛЛА» НОН

на бошлади. Буни кўрган ўрта ёшли аёл:

– Кизим, нима бўлди? – деб сўради.

– Узугим йўқолиб қолди...

– Сизга ишлайдан узукларингизни ечиб кўйинг, деб тайинлагандим-ку, – койинди Қўлдош ака. – Мана энди ҳаммамизни ҳижолатга кўйдингиз.

– Бу ерда қўли эгрилар йўқ, синглим, узук хамирга арала-

шиб кетгандир, – дея кимдир луқма ташлади.

– Бўлса бордир, сал каттароқ эди, – деди келинчак қизариби.

Смена тугагач, одатдагидек ишчилар иккитадан буханка нон олиб, тарқалишди. Қўлдош ака уйга бориб воқеани хотинига айтиб берди.

– Келин уйидаги-ларга нима деркин, бояқишига қийин бўлиби, – деди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Қўлдош аканинг кўшниси Сония опа кириб келди.

– Уйда икки. кун бўлмаган эдим, ноннинг суви қочиб қолибди, пўчоқлар билан бирга олиб чиқдим, майдалаб қўйларга бериб юборарсалар.

Қўлдош аканинг хотини суви қочган нонни кесиб майдалаганда пичноқ қаттиқ нарса-га тегди. У пичноқни



бошқа жойдан солиб тўғради ва тогорага солаётгандан нимадир тақ этиб тушди. Қараса, тилла узук.

Эртасига ёқ қиммат-баҳо буюм эгасини топди.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

БОЛАЛАР ҮРТАСИГА ТУШИБ...

Кўчада ўнаб юрган Бобомурод билан Анвар ўзаро келишмай, жанжаллашиб қолиши. Болаларга хос сўкиш, муштлашув ҳам бўлиб ўтди. Бобомурод бурнини тортиб, йиглаб бориб, бў ҳақда ўтин ёраётган отасига "чақди". Ортиқбой ўғлига тасалли, ёшликтинг бебошликлари ҳақида тушунтириш ўрнига, кўлига болтани олиб, Анварга хезланди. Оғзига келган сўзлар билан ҳақорат қилди. Анвар ҳам болаларча боплаб сўкди. Ортиқбой:

– Яна боламга қўл кўтарасанми? – деб болага мушт тушириди.

Анварнинг бурнидан қон кетди. Шунга қарамай бақириб йиглаб Ортиқбойни сўкди. Дарғазаб бўлган Ортиқбой болтани кўтариб, ўлдирман, деб югурди. Бола чақонлик қилиб қочиб қолди. Анвар арзимаган жанжалдан чиқсан низони қўшиб-чатиб, кўпиртириб отасига етказди.

Мурод ҳам нафротдан тўлиб-тошиб, Ортиқбойнига бостириб келди. У ўтин тахлаётган эди.

– Ўзинг ногирон бўла туриб боламга қўл кўтардингми? Яна онангни... деб сўкибсан, – ўшқирди Мурод.

– Иккинчи гурух ногирони эканлигимни юзга солиши сен ўргатган экансан-да. Боланг ҳам худди сендай сўкнди, – бақириб Ортиқбой.

– Ҳақиқатни айтганда сенинг ҳеч қандай қасалинг йўқ. Ёлғондакам ҳужжат тўғрилаб, давлатни «соғиб» ётибсан. Бўлмаса кучинг келиб-келиб болага етармиди. Болалар үртасига тушиб, йўқ жойдан жанжал чиқаришнинг нима кераги бор, – деди Мурод.

– Қозогистонга бориб, бойиб келдингми дейман. Жа, кекирдагинг чўзилиб, анча ақлли бўп қопсан, – деб беўхшов ишшайди Ортиқбой.

– Ақл билан иш тутганингда, бир-биримизга хезланиб турмасдик, – деди босиқлик билан Мурод.

– Ўғлинг боламни уриб юраверсин экан-да, – жаваси тутиб яна бақириб Ортиқбой.

– Шуни ўзимга айтганингизда, ўглим билан гаплашиб қўядим.

– Баттарроқ ур, бўш келма! – деб ўргатармидинг?

– Сенга ҳеч гап тушунтириб бўлмас экан-да.

– Сен жа тушунган одам экансан. Ўзинг билан лашкар ҳам тортиб келибсанми?

Ортиқбойнинг гапидан кейин Мурод орқасига ўғирилди. Хотини Қарлиғаш ва акасининг кизи Зулфия келишганди.

– Юнинг, уйга кетайлик, арзимаган болалар уриши деб, қўшничилигимизга путур етмасин, – деди хотини.

– Бор, бор! Хотинчангнинг орқасидан! – бақириб Ортиқбой.

– Ўғлимни ўлдирман деб бошқа қўркитма. Мен ҳам аяб ўтирайман, – дўй қилди Мурод ва орқасига қайрилиб кета бошлади. Худди шуни кутиб турган Ортиқбой болтанинг орқа томони билан Муроднинг бошига тушириди.

“Оҳ” деган бақирикни эштиб, Қарлиғаш “войдод, эримни ўлдириб қўиди”, деб бақира бошлади. Мурод жон ҳолатда типирчилаб, ўрнидан туршига ҳаракат қилди. Бироқ саросимада қолган Ортиқбой яна кетма-кет болта тушириди. Шундан кейин Мурод умуман қимирламади.

Йигилган кўни-қўшнилар “Тез ёрдам” ҷақириб Муродни қасалхонага олиб кетиши. Лекин у ўзига келмай йўлда жон берди.

Қотил-ку қилмишига яраша жазосини олди. Лекин бундан маҳалла-кўй, кўни-қўшнилар етарлича хулоса чиқаришдимикан? Ўйлаймизки, Ҳўжайли шаҳрида рўй берган Ортиқбой Алланиёзсан ва Мурод. Абдусоликовлар ўртасида келиб чиқсан низо, қўшничилик муносабатлари кўпчиликни бефарқ қолдирмайди. Чунки арзимаган жанжални деб, бир оила бокувчинини умрбод, иккинчиси анча муддатга (ён олти ярим йилга) йўқотди.

Дурдибий ХУДОЙШУКУРОВ.

ОҒА-ИНИ ТАЛОНЧИЛАР

Баъзилар осонгина, белимни оғримасдан бойисам дейди. Иштихонлик акаука Раҳмонқуловлар тунги соат 23.45 ларда Самарқанд шаҳрини кезиб юришган эди. Кўчада башанг кийинган бир кишига кўзлари

туши. Шунда оға-инилардан бири иккинчисига шипшиди: “Хойнаҳой, пули ҳам кўп бўлса керак”. Узоқ ўйлаб ўтирасдан ҳалиги кишига ташланиб, уни уриб, қўркитиб, 150.000 сўм пулини тортиб олиши. Тезкорқидириув тадбирлари чоғида оға-ини талончилар қўлга олинди.

Жиноятга жазо муқаррар!

Ёнидаги ҳамроҳларининг гапига чалғиган ҳайдовчи йўл ўртасига чиқиб келган пиёданси сезмай қолди. Бирдан тормозни босди. Улгурмади. Машина филдираклари ёнида қонга беланиб ётган аёлни кўриб эси чиқиб кетди. Ҳайдовчи оғир ахволда ўлим билан олишиб ётган жабрланувчига ёрдам бериш ўрнига, шайтоннинг васвасасига учиб, воқеа жойидан кочиб қолди. Одамлар ҳай-ҳайлаганча қолавердилар.

НОШУДНИНГ КАСРИ

“Рустам сервис” қаҳвахонаси ёнида рўй берган бу йўл-транспорт ҳодисаси одамларни гангитиб қўиди. Аксига олиб бирор киши машинанинг давлат ракамини эслаб қолмабди. Кўк рангли “Дамас”ни кўлга олиш учун “Тушиш” тадбири зълон қилинди.

Воқеа жойига етиб келган Урганч шаҳар ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, капитан Баҳодир Умиров икки кун

олдин ёш йигитчанинг кўк “Дамас”да шу ердаги уйлардан бирига келиб кетганини кўрганди. Ҳар қалай бир текшириб кўрсам зарар қилас, деган ниятда машина ҳақидаги маълумотларни йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимларига етказди. Баҳодир янглишмаганди. Суриширув ишлари натижасида кўк рангли, “Дамас” русумли автомашина Урганч

излари ва бўёқ кўчган жойлари шундай кўриниб турарди.

Текширишлар давомида Расулбекнинг ҳайдовчилик гувоҳномаси, машинани бошқариш учун ҳеч қандай ҳужжатлари ҳам йўклиги аниқланди. Охир оқибат бир ношуднинг касрига бегуноҳ инсон – Зебо Нурметова қасалхонада оламдан ўтди. Айборлар албатта тегишли жазо олишади.

Мирза АБДУЛЛАЕВ.

ГУМОНДОР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тунги соат бирдан ўттиз дақиқа ўтганда вилоят ИИБ ЙХХБ навбатчилик қисмида телефон жиринглади. Фарона ҳалқа йўлининг Бағдод тумани ҳудудидан ўтган 21-чақириимида, йўлнинг ўнг томонида номаълум автомашина бир фуқарони уриб юбориб, воқеа жойидан яширинган эди. Оғиртан жароҳати олган жабрланувчи воқеа жойидаёт жон таслим этганди.

Бу тўғрида хабар олингач, бутун шахсий таркиб оёққа турди.

Бундай пайтда воқеа жойини синчилаб кўздан кечира билиш ҳам маҳорат талаб этади. Негаки, ҳеч ким кўрмаган билмаган равиша содир этилган жиноятни очища фақатгина далилий ашёларгина ёрдам бериши мумкин.

Кейинги талаб эса – тезкорлик. Чунки бу пайтда вақт жиноятчи фойдасига ишлаши сир эмас. Бой берилган ҳар

бир дақиқада ўша шахс жиноят белгиларини таг-туғи билан йўқотишига, автомашинани ҳеч ким тополмайдиган қилиб яширишга уриниши турган гап.

– Машҳур саркарданинг “машқда қийин бўлса, жангда осон бўлади”, деган ўғитига доимо амал қиласиз, – дейди вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Абдували Абдуллаев. – Бизнингча, сафларимизда хизмат

қилаётган ҳар бир ходим, у қайси лавозимда ишламасин, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, содир этилганларини очиши масъул. Шу бисидан ходимларимизнинг жисмоний ва касбий тайёргарликларини такомиллаштириш ҳар доим дикъат-этиборимизда. Ана шу сайдараларимиз мазкур йўл-транспорт ҳодисаси вақтида фош этилишида фоят қўл келди.

Чиндан ҳам вилоят

ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг майор Собиржон Мамадалиев, лейтенант Акмал Ахмедов, капитан Мирзаали Туронов, катта сержант Довурбек Етмешев каби тажрибали ходимлари мазкур ҳодисани содир этиб, воқеа жойидан яширинган ҳайдовчини

қидириб топдилар. Жиноят воситаси бўлмиш “Нексия” автомобили ҳам далилий ашё сифатида ички ишлар идорасига келтирилди.

Агар чукур мулоҳаза қилиб кўрилса, бу жиноятнинг очилишию, гумондор М.нинг Марғилон шаҳридан топиб келтирилиши бир қоп сомон ичидан ингани қидириб топиш билан баробардир. ЙХХБ ходимларининг маҳорати туфайли жиноят фош этилди.

Хизмат вазифалари га сидқидилдан ёндошиб, ҳар икки жиноятни фош этишда юқори даражадаги касб маҳоратини намойиш этган ходимлар вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан рағбатлантирилдилар.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,
Раҳмонали ҚОСИМОВ.**

КИСҚА САТРЛАРДА

МАСТЛИК КАСРИ

Айримлар кайфи ошганда қариндошпарвар бўлиб кетади. Самарқанд шаҳрилик Тоҳир ҳам масти бўлдио, укаси Собирдан хабар олгиси келиб қолди. Аммо ака-укалар кўришгач, арзимас сабаб билан орада низо чиқди. Тоҳир кайф устида укасига пи-

чоқ урди. Оқибатда Собир қасалхонага ётқизилди. “Мехрибон” aka эса қилмишига жавоб беради.

“ИШБИЛАРМОН” РАИС

Пастдарром туманидаги ширкат хўжаликларидан бирининг раиси Т. Абдурасул

«тадбиркорлик» билан шуғуланишига қарор қилди. У бир мактаб ўқитувчисига 2 тонна буғдой берадиган бўлди. Муаллимдан 100.000 сўм нақд пул санаб олиб, давлатга қарашли 300 кг донни бераётган пайти қилмиши фош этилди.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

ЎҚУВЧИЛИГИМИЗДАН БИЛАМИЗКИ, ИНСОН ОРГАНИЗМИНИНГ 70 ФОИЗИ СУВДАН ИБОРАТ. БУ ТАНАМИЗДАГИ БАРЧА СУЮҚЛИКЛАР ҲАЁТИМИЗ УЧУН МУХИМ АҲАМИЯТГА ЭГАДЕГАНИ. БИР ТОМЧИГИНА ҚОН, СИЙДИК ЁКИ ТУПУКНИНГ ТАХЛИЛИГА ҚАРАБ КИШИННИНГ САЛОМАТЛIGI ҲАҚИДА КҮП НАРСА БИЛИБ ОЛИШ ВА УНИНГ СОҒАЙИШИГА ЁРДАМ БЕРИШ МУМКИН. ФАҚАТ БУНИНГ УЧУН БИОЛОГИК СУЮҚЛИКЛАРНИНГ ОРГАНИЗМИМИЗ ФАОЛИЯТИДАГИ РОЛИНИ БИЛИШ КЕРАК.


ЛИМФА

Албатта, қон организмизда энг мухим роль ўйнайди. Унинг хусусиятлари ҳақида күп нарса биламиз. Аммо яна бир суюқлик борки, усиз ҳам ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Бу лимфадир. Лимфанинг танамизда айланиши қон айланиши билан боғлиқ. Шунга қарамай у алоҳида, мустақил тизим сифатида мавжуддир.

Лимфа вужудимиздаги барча ҳужайраларни ўраб, ювиб турди. Инсон ифлосланган, заҳарли атмосферада яшай олмаганидек, организмимиз ҳужайралари нормал фолият кўрсатиши учун уларни ўраб турган ташки мухит тоза, мусаффо бўлиши лозим. Лимфалар эса тана ичидаги ана шуташки мухитни зарарли моддалардан тозалаб турди.

Биласизки, қон юрак мушакларининг қисқарishi ёрдамида ҳаракатга келади. Лимфа тизими эса бундай марказий "насос"га эга эмас. Лимфа скелет ва нафас олиш мушакларининг қисқарishi ҳисобига ҳаракатга келади. У секин айланади. Тананинг аксар қисмида бу ҳаракат оғирлик кучига тескари йўналган бўлади. Ниҳоятда ингичка лимфа капиллярлари бутун вужудимизни қоплаб олган. Аммо улар тери ости тўқимасида айниқса кенг тарқалган.

Агар лимфа айланishi бирор сабабга кўра яна-ям секинлашса, тўқима-



Саломатлик саҳифаси

ФАРОЙИБ СУЮҚЛИКЛАР

ларда ҳужайраларро суюқлик тўпланиб қолади. Хусусан, лимфатик суюқликнинг ҳаракат тезлиги ниҳоятда секин бўлган жойларда, масалан, тос ва сонларда цеплюлит ҳосил бўлиши мумкин. Лимфанинг қониқарсиз айланиши оқибатида киши тез чарчайди, турли хасталикларга чалинади, ҳаётий мухим жараёнлар бузилади, ҳужайралар нобуд бўлади, организм вақтидан олдин қарииди.

ТЕР

Сўнгги пайтларда одамзот турли пардоз во-ситалари ёрдамида яна бир мухим биологик суюқлик – терга қарши курашмоқда. Терлаш киши учун муайян ноқулайликлар туғдиришига қарамай, бу жуда зарур рефлектор жараёндир. Зеро, тер орқали организмдан ортиқча сув, туз, мочевина, сийдик кислотаси, аммиак сингари кераксиз моддалар ажралиб чиқади. Терлаш атроф-мухитнинг ҳароратига ва бизнинг зўриқишимизга боғлиқ. Биз бир суткада ўртача 500-600 мл тер ажратиб чиқарамиз. Ҳаво иссиқ бўлса ёки оғир жисмоний меҳнат қилсан, бу кўрсаткич бир неча баробар кўп бўлиши мумкин.

Терда организмнинг жисмоний ва руҳий ахволи ҳақида жуда кўплаб ахборотлар мавжуд бўлади. Бекорга баъзи жоноворлар унинг ҳидига ниҳоятда сезигр бўлишмайди. Масалан, итлар тернинг

ҳидига қараб кишининг қони таркибида адреналин ошиб кетганини билб олишади.

КЎЗ ЁШИ

Кўз ёши безлари ажойиб суюқлик ишлаб чиқаради. Бу суюқлик кўзларимизни намлаб, инфекциялар пайдо бўлишига йўл қўймайди. Ҳаво ҳарорати пасайиб кетганда ҳам кўз ёши кўзимизни ҳимоя қиласди. Шунинг учун ҳам аксар одамлар совуқда "йиглашади".

Ушбу биологик суюқлик таркиби ниҳоятда мураккабдир. Унда оқсиллар, ёғлар ва углеводлар бирикмалари мавжуд. Кўз ёши уч қатламдан иборат. Юқори қатлам ёғ қатлами бўлиб, унинг буғланиб кетишига тўсиқ бўлади. Ўрта қатлам энг кўп микдорда бўлиб, кўзни намлайди. Ички қатлам шилимшик ҳолатда бўлиб, ҳар икки қатламни кўз юзасида ушлаб турди.

Ана шу қатламлардан бирортасининг заарланиши ёки йўқолиши қуруқ кўзлар деб аталувчи жиддий касалликни келтириб чиқариши мумкин. Яъни кўз ёши етишмаслиги натижасида кўз курғаб, ачишиб, унга бегона нарса киргандек туюлади. Баъзан ёруғликка қаролмайсиз, кўз қичишиди, ҳатто оғрийди, жуда тез чарчайди.

Нега кўз қурғаб қолади? Асосий сабаби – кишининг кексайиши натижасида кўз ёши суюқлигининг камайиб кетиши.

Агар ёшлиқда, ўрта ёшда бундай ҳолат кузатилса, қуйидаги ноқулай омиллардан бири сабаб бўлади.

- Гормонлар мувозанатининг бузилиши. Бутун дунёдаги офтальмологлар гормонларнинг кўз ёши таркибида ва микдорига таъсир қилишини исботладилар. Шунинг учун салбий гормон ўзгаришлари кўзга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

- Иситиладиган, кондиционер ўрнатилган турар жойларда ва ишхоналарда ҳавонинг қуруқ бўлиши. Илиқ, нам ҳаво кўзга фойдали, кулай.

- Ҳавонинг ифлосланиши – чанг, заҳарли газлар, сигарет тутуни.

- Компьютерда ҳаддан зиёд ишлаш, кўп телевизор томоша қилиш, шунингдек кўзойнаклар ва kontaktli линзаларни нотўғри танлаш.

- Баъзи дори-дармонларни, хусусан контрацептивларни, уйку дориларни ва артериал қон босимиши пасайтиручи восителарни қабул қилиш.

Гоҳо кўз ёши суюқлигини тиклаш учун ийллар талаб этилади. Бунинг чорасини кўрмасангиз, ўта оғир кўз хасталиклари пайдо бўлиши мумкин.

ПЕШОБ

Ушбу суюқлик билан организмдан жуда катта микдорда заарли моддалар чиқиб кетади. Булар парчаланган оқсил қолдиклари (улар таркибида азот бўлади), ортиқча туз-

лар, мочевина ва шу кабилардир.

Бир кеча-кундузда пешоб орқали 60 граммга туз чиқариб юборилади. Киши бир кунда ўртacha 1,5 л сийдик ажратади. Пешоб таркибида фойдали микроэлементлар ҳам бор деб ҳисоблашади. Гап шундаки, организмда ҳамиша мувозанат сақланиши лозим. Шунинг учун микроэлементларнинг ортиқчаси чиқиб кетади. Шу сабабли ҳам ҳалқ табобатида баъзи хасталикларни сийдик ёрдамида даволаш мумкин, деб ҳисобланган. Баъзи шифокорлар ҳам пешоб антисептик (микробларга қарши) хусусиятга эга, деган фикрда.

Пешоб тахлилига қараб ташхис кўйиш мумкин.

- Унда оқсил мавжудлиги буйрак шамоллашадан, қон томирларида паталогик ўзгаришлар юз берганидан дарак беради.

- Қанд қасаллигига чалинган ёки кўп қанд истемол қилган кишининг пешобида шакар моддаси бўлади.

- Жиддий хасталиклар оқибатида буйракка ёки сийдик чиқарувчи аъзоларга қон қуйилса, пешобда қон пайдо бўлади.

- Пешобдаги туз эса организмда туз алмашинуви бузилганидан, буйракда тош пайдо бўлиш жараёни кечаетганидан даракдир.

ТУПУК

Академик И. П. Павлов тупук шифобахш хусусиятга эгалигини айтганди. Ҳозир айрим олимлар ушбу суюқлик ОИТСнинг ривожланишига тўсиқ бўлиши мумкин деган фикрда. Ҳўш, унинг таркибида қандай моддалар бор?

Тупук таркибида органик ва ноорганик (анорганик) моддалар киради. Азот тузлари, музин, оз микдорда газлар: кислород, азот ва карбонат ангидрид шулар жумласидандир. Ундаги птиалин ферменти крахмални парчалайди, лицозим эса заарли бактерияларга қарши курашади.

Ҳозирда шифокорлар тупукнинг тахлилига қараб организмда шакар ёки ёғ моддасининг микдорини ва яна кўплаб маълумотларни билиб олишади. Стоматологлар учун унинг кислотага тўйиниш даражасини, унда кариесга сабаб бўлувчи бактериялар бор-йўқлигини билиш мумкин.

Хукм ўқилди

Кейинги пайтда савдо-сотиқ билан шуғулланиб юрган болаларга тез-тез дуч келаяпмиз.

– Фарзандингиз вояга етгунча унга замхурлик қилишга мажбурсыз, – дейман ана шундай болалардан бири И. Анварнинг отасига.

– Тириклий, – дея жавоб қилди 40-45 ёшларни қоралаб қолган ота бамайлихотир. Кўпчиликка теккан касаллик, тириклий баҳонасида унча-мунча қусурларини яширмоқчи бўлишади. Демак, у ўз эҳтиёжлари учун пул топаяпти. Ўғирликка кўл урганидан кўра, шуниси ҳам маъкул, дерсиз, албатта. Аммо у айни ўқиб-ўрганиб, келажагини таъминловчи пухта билимга эга бўладиган даврда то-пәётганидан йўқотаётгани кўплигини англаб етганида кеч, жуда кеч бўлмайдими?

Кунни интернет-клубларда кўрқинчли ўйинлар ўйнаш билан ўтказадиган болаларининг чўнтагини пулга тўлдириб қўяётган оталарнинг ҳам тутган йўлларини оқла-моқчи эмасмиз. Улар ўз бурчларини уларни фақат моддий таъминлашда, деб ўйлайдилар. Биз, катталар эътибор бермаган айрим жиҳатлар борки, бундан ўнлаб ёшлар ҳаёт йўлларида барвакт адашиб, надомат чекаяптилар.

– Тўғриси, отам-онам хавотир олишади, дея уйига шошилаётган тенгкурларимга ҳавас қилардим, – дейди суднинг қора курсисида ўз тақдири устидан ўқила-диган ҳукмни кутиб ўтирган вояга етмаган Т. Азимjon. – Уйга борсам, менга ҳам кимдир бир кося иссиқ овқат берив, яхши гапириб “кел ўғлим овқатланиб ол”, дейиши учун ҳамма нарсага тайёр эдим. Уларга ёкиш илинжида кичкина жуссамга иккича баробар келадиган пичанни орқалаб молхолга ташиб келтирадим. Уй юмушларига қарашардим. Бирор юмуш билан мактабга бормай қолсан ўқитувчим ота-онангни айтиб кел, деб уришарди. Буни отамга айтишдан қўрқардим. Бора-бора мактабдан безиб, охи-

ри умуман бормай қўйдим. Асоссиз танбехлар, миннатлар, отамнинг аёвсиз калтаклашлари мени, кейинроқ укамни уйдан бездирди.

Ота-она ўз тинчини ўйлаб ажрашишга қарор қилишди. Улар ажрашишаётганда болалар тирик етимлик юки, уни кўтариш, бунинг оқибатларини тушиниб етмайдиган даражада ёш эдилар. Суд ҳукмига кўра, болалар оталари билан қолишди. Кўпчиликнинг кўзи-га болаларини мўлти-

остига олинди. Оиласи, атрофдаги мухит, унга бўлган муносабатни ўзгартиришга ҳаракат қилдик. Муаммоларини ўрганиб, бартараф этишига киришдик. Уларда аста-секин ижобий томонга ўзгариш бўлди. Бироқ оиладагиларнинг муносабати руҳиятига қаттиқ таъсир кўрсатган, ҳаммадан аламзода эдилар. Отасига бу ҳақда айтиб, уларга, айниқса, катта ўғил Азимjonга кўпроқ эътибор беришини, дўстлашишга ҳаракат қилиб кўришни айтганимизда, у “мен уларга

билан қаноатланиб юрди.

Уйчилик Н. Сардор билан Чорток туманида яшовчи Т. Азимjonни маслак ва мақсадлари бирлаштириди. Сардорнинг йўриғи бошқа эди. Ота-онаси унинг моддий эҳтиёжларини тұла таъминлар эди. Шундай бўлса-да, кўча-кўйда чўнтағи пулга тўлиб юриши, қимматбаҳо хориж кийимларини кийиб, қайсири маънода тенгқурлари ўртасида устунликка эга бўлишини истарди. Иккови учун ҳам пул керак.

Аммо уни қандай йўл билан топиш мумкин?

Улар кўп иккита на мадилар. Эҳтиёжларга керакли маблагни топиш учун меҳнатга эгилгандан кўра, бирорларнинг пешона тери эвазига топган пулни осонгина қўлга киришини афзал кўришди. Чунки балоғат бекатида турган бу икки ўспирин улғайган мухит уларни ана шундай тарбиялаганди. Муаммо моддий етишмовчиликда эмас, маънавий қашшоқликда эди.

Икковлон аввалдан жиноий тил бириктириб, Чорток тумани Айқирон қишлоғида яшовчи фуқаро А. Норматовнинг яшаш уйига девор орқали кириб, уйнинг ичидаги бўлган кийим-кечак, матолар ҳамда 300 АҚШ долларини, жами 600 минг сўмлик мол-мулкни ўғирлаб кетишиди. Улар узоқча боришилди. Чорток тумани ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор-суринтирув ишлари натижасида жиноят тезда фош этилди. Вояга етмаган Т. Азимjon ва Н. Сардор барча ўғирликлари тафсилотини терговчиларга сўзлаб беришга мажбур бўлдилар.

Азимjon қилмишлари бир куни панжара ортига элтишини яхши биларди. У суд зали томон борар экан, энди ич-этини бир надомат емираиди: ахир унинг ҳам ҳаётини башкача кечиши мумкин эди-ку?! Афуски, бундай бўлмади. Хато қилди. Суд ҳукми билан Т. Азимjon айбор деб топилиб, бир неча йилга озодликдан маҳрум этилди.

Дилбар ТУРҒУНОВА,
катта лейтенант.

ВАҲШИЙЛАШГАН АКА

Элликқальъа тумани “Сарибий” овули ҳалқи бу воқеани узоқ вақт изтироб ва нафрат билан эслашлари аниқ. Чунки етти ёт, бегоналар эмас, бир қориндан талашиб тушган жигарбандлар ҳаёт-мамот учун курашишди. Оқибатда бири қурбон, иккинчиси қотил бўлди...

Ўттизга кириб ҳам бирорта касбнинг этагидан тутмаган, уйланиб, бола-чақали бўлиш орзу-ҳавасида яшашни истамаган Жуманиёз уч марта қамалиб чи-кишга улгурди. Бироқ бундан тегишли хулоса чи-кармади. Ақалли ҳар сафар жонига оро кирган амнистия имкониятларидан тўғри фойдаланмади.

Шу боис ҳам қамоқдан қайтганида, уни укаси Ойбек хушламай кутиб олди. Акасига ёқмаслигини билса-да ҳар галгидек ҳалол ишланг, деб маслаҳат берди.

– Маслаҳатинг ўзингга сийлов. Ундан кўра очини айт, сенинида яшашни истамайсан. Шундайми? – дағдаға қилди Жуманиёз.

– Ҳа, – гапни лўнда қилди Ойбек.

– Адашган, кўнгли ўқсик, биздай гарип инсонларни ҳукумат кечириб, ёрдам қилаётганида, ўз туғишидан уйидан ҳайдаяти. Бунинг учун ҳали жавоб берасан!

Жуманиёз шундай деб уйни тарқ этди. Бекоридан эл безор, деганларидек, бошқа яқинлари ҳам ундан бешишганди. Саёқ юриш уни яна жиноятга бошлади. Даъда бўлиш учун шайтоннинг “суви”дан ичди. Ўзини янада шер хис қилган Жуманиёз пи-чоқни олиб ярим тунда укасининг уйига келди. Юмронқозиқдай пойдеворни кавлаб ичкарига кирди. Бирор пол остидан юкорига чиқа олмади.

Ўлжасини пойлаган ваҳший ҳайвондек хонадон аъзоларини кутиб ётди. Тонг ёришар-ёришмас икки ярим яшар Жамшид ташқарига чиқди. Ёвуз амаки тайёрлаб кўйган паншаха билан бегубор болакайнинг кўкрагига санчди. Боласининг кучли қич-қириғига отилиб чиқсан Нафисани ҳам қайноғаси паншаха билан кутиб олди. Бир оиласи таг-томири билан йўқ қилишга уринган ака йўлини ука тўсди.

– Ишёқмаслигинг ва бадфельлигинг билан оиласиз шашнини булгадинг, отамнинг қаддини буқдинг. Сендан нафратланаман. Ўз туғишиганинги ўлдирмокчимисан? – деди Ойбек ўғли билан хотинини узоқроқ кетиб олишлари учун чалғитиб.

– Ҳа. Ҳозир сен ва оиласига ҳаётига нуқта қўяман. Ич-ичимни қасос ўти ёндирияти. Шундай деб ака укага ташланди.

Нафиса боласини қўлтиқлаб қўшниларни ёрдам-



ратмай, “мардлик” қилган ота ўғай она ва ўғилларни оқла-моқчи эмасмиз. Улар ўз бурчларини уларни фақат моддий таъминлашда, деб ўйлайдилар. Биз, катталар эътибор бермаган айрим жиҳатлар борки, бундан ўнлаб ёшлар ҳаёт йўлларида барвакт адашиб, надомат чекаяптилар.

Ака-ука хувиллаган қабристонда неча марта ваҳимали кечаларни бирга ўтказишиди. Ота-сининг қаҳру фазаби олдида бу кўркув ҳисси ҳеч нарса эмасди. Табиики, уларнинг мактаби ўқиши, юриш-турниши ҳам ҳеч кимни қизиқтириласди. Қаровсиз қолган болалар мактабдан қочиб, кўча-кўйда тиланчилик, ўғрилик қилиб, бир неча боричи ишлар бўлимига олиб келинди.

– Азимjon ва Олимjon билан алоҳида тарбиявий ишлар олиб бориш максадида профилактик ҳисобга олиб, мактаб, маҳалладан муррабийлар тайинладик, – дейди Чорток тумани ички ишлар бўлими вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гурухи катта инспектори, капитан Икромjon Бурхонов.

– Улар алоҳида назорат

оталик қилолмайман, нима қилсанглар, ихтиёр ўзингларда, – деб масъулитни зиммасига олмади. Шундан кейин, уларнинг хатти-ҳаракатлари жамият манфаатларига зидлиги, атрофдагиларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинligини хисобга олиб, ота-онаси, мактаб ҳамда мутасадди ташкилотлар билан келишилган ҳолда Самарқанд шаҳридаги ўқиқ турдаги болалар ва ўсмиirlar мактабига юбордик.

Ёқиқ турдаги мактабдан бир йилда кайтиб келган Азимjon ўз олдига яхши инсон бўлишини мақсад қилиб олганди. У табиитидаги иллатларни енгишга ўзида куч топа олганди. Афуски, яна ўша мухит ўз таъсирига олди. Биринчи қадам. У кўп нарсани ҳал этади. Баъзан биргина танбех билан қайтариш мумкин бўлган болани жиноят кўчасига киришга йўл кўйиб берамиз. Азимjon жиноят кўчасига киригунча ўз қалbidагi ички туйғу билан узоқ курашди. Бу курашда у тарбиядаги ноқислик сабаб енгилди. Аввалига майда ўғирliklар

га чақиришга шошилди. Жисмонан бақувват бўлган ака укани остига босиб пичогини олди.

– Рахм қилинг, ака, наҳотки ўз уканғизни ўлдирсангиз, – ялиниди Ойбек.

– Биз аллақачон душманга айланғанмиз. Сени бир ёқли қилмасам ичимдаги ўт сўнмайди.

Кутурган ака ўз жигарининг кўкрагига йигирма беш марта пичоқ санчди. Қўшнилар етиб келишганда уфқдан чиқсан қуёш заррин нурларини оламга ёя бошлаганди. Афуски, Ойбек бу гўзал манзарани кўролмади...

Жиноий ишлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Жуманиёз Эгамбердиевни йигирма йилу олти ойга озодликдан маҳрум қилди.

Дурдибай ХУДОЙШУКУРОВ.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЙХХБ йўл назорати бўлими бошлиги, подполковник

Хуснiddин ЙУЛЧИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлariга чукур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фаҳрийлар кенгаси ички ишлар идоралари фаҳрийси, истеъфодаги майор

Абдулла ота НУРИЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинlariга чукур ҳамдардлик билдирадилар.

